

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-yil 23-dekabr / № 51 (4710)

## 2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадрлари улғу бўлган диёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимишга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.

### “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси” дан

#### МУНОСАБАТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, барчамизнинг ўз олдимишда турган вазифаларимиз ҳақида янада жиддийроқ ўйлашга, Ватан равнақи йўлида фидойиларча хизмат қилишга ундади. Жумладан, юртимиз келажигига бевосита дахлдор бўлган мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги тақдирлар бугунги ёш авлод тақдирини белгилаб бериши билан ҳам долзарбдир. Мурожаатномада таълим сифатини ошириш тараққийнинг ягона йўли эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада амалга оширилган кенг қамровли ишлар таҳлил этилди ҳамда галдаги вазифалар белгилаб берилди. Хусусан,

ўқитувчи обрўсини юксалтириш, мактаб дарсликларини такомиллаштириш, янги замонавий мактаблар қурилиши, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш ва ундаги тарбия сифатини ошириш – барча-барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ вазифалар бўлиб, бу соҳада катта амалий ишлар бажарилмоқда. Чунки

стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилиниши ўқитувчилар ва ота-оналарнинг эзгу орзулари ушалишида муҳим омилдир. Шунингдек, келгуси ўқув йилидан бошлаб республика бўйича бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш йўлга қўйилади,

маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади”. Зотан, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ёзган эди:

**Она тилим, сен борсан, шаксиз  
Булбул куйин шеърга соламан.  
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.**

Она тили таълимининг такомиллаштирилиши, шубҳасиз, нафақат барча фанларнинг ўқитилиши, балки бугун бутун дунёда долзарб бўлиб турган болалар китобхонлигини янада кенг тарғиб этишни талаб қилади. Қолаверса, миллий адабиётимиз, хусусан, болалар адабиётини равнақ топтириш борасида ижодкорлар зиммасига катта масъулиятлар юклайди.

Ҳумоюн АКБАРОВ

## НАЖОТ – ТАЪЛИМДА

олий, ўрта умумтаълим ва мактабгача таълим тизимини ривожлантириш борасида юртимизда изчил сиёсат юритилганлиги барчамиз гувоҳ бўлиб туримиз. Таълим соҳаси ҳар доим Президентимизнинг диққат марказида.

Келгуси йили мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида тубдан ислоҳ этилиши, илғор таълим

бу эса болаларни ҳам ижтимоий ҳимоялаш, ҳам таълим олишлари учун катта шарт-шароит яратиш йўлидаги дадил қадам бўлади. Бундан ташқари, юзлаб мактабларда қўшимча бинолар, етмишта янги мактаб қурилиши режалаштирилган. Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш лозимки, Мурожаатномада таъкидланганидек: “Миллий ўзлимиз тимсоли,

## ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ



Шу йил 12-18 декабрь кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида XVI “Евроосиё” (“Eurasia international film festival”) халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Маълумки, “Евроосиё” халқаро кинофестивали Қозоғистонда 1998 йили ташкил этилган бўлиб, Халқаро кинопродюсерлар уюшмалари федерацияси (FIAPF) томонидан аккредитациядан ўтган. Ташкилот икки йиллик танаффусдан кейин қайта иш бошлади. Фестивалда ўзбекистонлик бир гуруҳ ижодкорлар ҳам иштирок этишди. Фестиваль якунланишига бағишланган маросимда юртимиз киноижодкорлари учта йўналиш бўйича тақдирланди. Ўзбек киносининг катта авлод вакиллари билан бири, таниқли кинорежиссёр Али Ҳамроев “Марказий Осиёда кино санъати ривожига қўшган хиссаси учун” тақдирланган бўлса, маҳоратли кинорежиссёр Қамара Камолова “Йўл бўлсин” бадиий фильми учун Ҳакамлар

ҳаётининг махсус мукофотига лойиқ қўрилди. Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдухолиқов “Евроосиёда фестивал ҳаракатини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун” деб номланган махсус совринга сазовор бўлди.

Шунингдек, фестивал доирасида Фирдавс Абдухолиқов Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги ўринбосари Нуржиса Дауешов, Қозоғистон Кинематографияни ривожлантириш маркази директори Есетжан Қосубаев ва энг йирик кинотеатрлар тармоғи бўлган “Кинопарк” раҳбари Ерлан Бухарбаев билан учрашувлар ўтказди. Учрашувлар давомида ўзаро ҳамкорликда суратга олинган кино лойиҳалар, кино санъати ва санъатнинг бошқа йўналишларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Фестиваль доирасида яна бир аҳамиятли воқеа бўлиб ўтди. Унда БДКнинг Тошкент филиали ва Турон университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шартномага кўра, талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик лойиҳаларини, ўқув курсларини, илмий анжуманлар ҳамда ўқув дастурларини, маҳорат дарсларини ташкил қилиш, педагог ва талабалар алмашиш амалиётини қўллаш ҳамда ҳар икки олий даргоҳнинг дипломларини Ўзбекистон ва Қозоғистонда тан олинисини таъминлаш кўзда тутилган.

Кинематография агентлиги ахборот хизмати

## ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Германия халқ университетлари ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали – DVV ҳамда Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган “Аҳолининг кўмакка муҳтож гуруҳларини қўллаб-қувватлашда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг биргаликдаги ҳаракати” мавзусидаги ижодий марафон ғолиблари аниқланди.

Икки ой давом этган танловда ўттиздан ортиқ ижодкор ўз ҳикоя, эссе ва шеърлари билан қатнашди. Рақамланган ҳолда топширилган ҳар бир ижодий иш таниқли ўзувчи, адабиётшунослардан иборат ҳайъат томонидан сараланди. Аксар асарларнинг сюжетига қутилмаган тақдирлар ва ечимлар қузатилди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида мамлакатимизда истиқомат қилувчи ўзбек ва русийзабон ўзувчи, шоирлар иштирок этди.

– Танловда “Ҳозирги одам ҳақида афсона” шеърим билан қатнашдим, – дейди 1-ўрин соҳибини Нуриддин Расулов. – Унда инсоннинг ички дунёсини рангинроқ тасвирлашга ҳаракат қилдим.

\*\*\*  
Ўзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ ўзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибини Пулат Мўмин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира тадбири бўлиб ўтди. Унда шoirнинг яқинда нашрдан чиққан “Сўзнинг қаймоғи” номли шеърый тўплами ва “Ўзбек кўшиқ шеърлари

ти султони” хотира китобларининг тақдимоти ўтказилди. Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, шоирлар Ғайрат Мажид, Ориф Тўхташ, ада-



биётшунос Раҳматилла Баракаев ва бошқалар Пулат Мўминнинг инсоний фазилатлари, бой адабий мероси ҳақида сўз юритишди. – Отам доим ҳаётдан олиб ёзарди, –

деди адабнинг қизи Табассум Мўминова. “Эй муҳаббат”, “Устозлар”, “Келипти-ю, кетипти”, “Умр вақтинча”, “Фурсат ганимат” каби кўплаб шеърлари ўз мухлисларига эга.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

28-декабрь Эркин Воҳидов туғилган кун



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат.

Эркин ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## ЎЗБЕГИМ

Қасида

Тарихингдир минг асрлар  
Ичра пинҳон, ўзбегим,  
Сенга тенгдош Помиру  
Оқсоқ Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу  
Сўйласин Ўрхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида  
Битта маржон, ўзбегим.

▶ 3

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида атоқли қозоқ адаби ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига бағишланган “Абай. Қардош халқлар мероси” деб номланган кўргазма очилди.

## БЕЗАВОЛ МЕРОС

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Туризм ва маданий мерос вазирлиги Азиз Абдуҳақимов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кечаётган янгилаш жараёнларида кўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги ҳақасосда, ўзаро ишонч, дўстлик, ҳамжихатлик, қардошлиқ тамойиллари бўйича йўлга қўйилган алоҳида эътибор қаратди. Айтиш керакки, 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили, 2019 йили эса Ватанимизда Қозоғистон йили ўтказилган. Кўргазманинг юқори савияда ташкил этилганини таъкидлар экан:

– Алишер Навоий ва Абай ижодидоғи муштараклик ҳар икки ижодкор асарларида инсонларварлик, халқларварлик, инсонни баркамол, маърифатли қўришдек эзгу ғояларда кўзга ташланган. – деди Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазирлиги Даурен Абеев. – Бундан бир ой аввал Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти кунлари юксак савияда ўтказилган эди. Бундай тадбирлар икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлашга, муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

“Абай. Қардош халқлар мероси” номли кўргазма “Кўчманчи маданият Абай ижоди шаклланишидаги асосий омил”, “Абай ижодидоғи Алишер Навоийнинг туғган ўрни”, “Абай ҳаётининг асосий босқичлари”, “Абай қаҳрамонлари ва сюжетлари мусаввирлар Абилхан Кастеев, Урол Тансиқбоев, Евгений Сидоркин, Нурбулан Отелбаев каби рассомлар ижодидоғи” каби бўлимларни ўз ичига олган. Унинг экспозицияси ушбу тасвирий санъат галереяси билан бирга Қозоғистонда-

ги “Жидебай-Борили” Абай музейи, юртимиздаги Урол Тансиқбоев уй-музейи, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон санъат музейи экспонатларидан иборатлиги билан аҳамиятли. Шунингдек, кўргазмадан қозоқ халқининг безакли-амалий санъат буюмлари, Абай ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий санъат асарлари ўрин олган.

Шу кун пойтахтимиздаги Абай ҳайкали пойида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

– Президентимизнинг Абай ижодини урганишга оид ташаббуси мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди, – деди Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо. – Бу каби маърифий тадбирлар туркий шеърларнинг забардаст вакили ижодини таҳлил этиш имконини беради. Абай мероси ёшларни билим олишга, изланишга, поёнсиз имкониятлардан унумли фойдаланишга чорлайди.

– Абай ижодига бағишланган бу каби тадбирлар юқори савияда ўтаётгани учун Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига раҳмат айтаман, – деди Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Бейбут Атамқулов. – Абай фалсафаси, унинг ғоялари, шеърляти бугун ҳам долзарбдир. У наинки қозоқ халқининг, балки бугун турк дунёсининг ижодкори ҳам эди.

Қардош халқнинг улғу шоири ва мутафаккири ижодий меросига бағишланган ҳафталик доирасидаги анжуманлар, ҳужжатли фильм премьералари, адабий суҳбатлар, тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА

▶ 6

**Алес КАРЛЮКЕВИЧ,  
Беларусь Ёзувчилар уюшмаси раиси**



Шеърлий кашфиётларнинг давоми мақоласи босилди.  
Беларусь Ёзувчилар уюшмаси ҳаммуассис бўлган "Полимя" ва "Нёман" журналлари ўзбек адабиётини тарғиб қилишда "Литература и мастацтва" газетасига елкадош бўлди. 2019 йили ёзувчи ва таржимон Рисолат Ҳайдарова беларусь нашрларида тўрт марта чиқиш қилди. "Литература и мастацтва" газетасида мақоласи, "Нёман" журналида "Ўзбек адабий тажрибаси сабоқлари" номли интервьюси эълон қилинди. Уларда Рисолат Ҳайдарова Ўзбекистондаги бугунги адабий жараён, ўзбек шоир ҳамда носирларнинг ижодий изланишлари ҳақида

# АДАБИЙ ДЎСТЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ

2018 йилдан буён Беларус адабий-бадий нашрларида ўзбек адабиётига бағишланган ўттизга яқин чиқиш амалга оширилди.  
"Полимя", "Нёман" журналлари, "Литература и мастацтва" ("Адабиёт ва санъат") газетасида мумтоз ҳамда замонавий ўзбек адабиёти вакиллари шёърлари мунтазам босилмоқда. 2018 йил август ойида таниқли беларусь шоири, таржимон Казимир Камейша буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий газалларини таржима қилиб, "Литература и мастацтва" газетаси муштарийлари эътиборига ҳавола этди. Газетанинг шу сониди Абдулхамид Чўлпоннинг бир туркум шёърлари ҳам берилди. Таржимон, таниқли шоир, "Полимя" журнали бош муҳаррири Виктор Шнип ўша йили "Литература и мастацтва" газетасида, Якуб Колас музейи ходими Александр Крижевич билан ҳамкорликда "Тошкентда Якуб Колас билан танишиш" номли кенг қамровли мақоласини эълон қилди. Шунингдек, ушбу газетда Никола Равнополскийнинг ўзбек адабиётига бағишланган "Ажойиб

батафсил тўхталган. "Нёман" журналида ўзбек адабисининг каминанинг болаларларга мўлжалланган китобига тақризи ҳам эълон қилинди. Шунингдек, "Полимя" журналида босилган "Дўстлик координатлари" номли мақоламда кейинги ўн йилда ўзбек адабиётидан беларусь тилига қилинган таржималарга доир муҳим маълумотларини ўртоқлашдим.  
2020 йили "Литература и мастацтва" газетасида Хосият Рустамованинг шёърлари Светлана Бикова таржимасида чоп этилди. Бироз ўтгач, таржимон ўзбек шоирасининг беларусь тилидаги шёърлий тўпламини нашрдан чиқарди. Беларусь ўқувчилари томонидан Кўчор Норқобилнинг "Минск паради – синовлар олдиди" қатъият намунаси" номли мақоласи катта қизиқиш билан ўқилди. Муаллиф Минск шаҳрида бир неча бор бўлиб, Беларусдаги Иккинчи жаҳон уруши воқеалари билан боғлиқ жойларни зиёрат қилди.  
Жорий йилда ҳам "Литература и мастацтва" газетасида беларусь-ўзбек адабий биродарли-

гига бағишланган талайгина чиқишлар бўлди. Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий қаламига мансуб газаллардан янги таржималар Виктор Шнип, Юлия Алейченко, Геннадий Авласенко томонидан амалга оширилди.  
Ўзбекистоннинг Беларусь Республикасидаги элчихонаси беларусь-ўзбек адабий-гуманитар алоқаларини ривожлантириш йўлида катта ишларни амалга ошираётганини таъкидлаш жоиз. Ўз вақтида бу сингари лойиҳалар ижросида элчихона маслаҳатчиси, сиёсий фанлар доктори Дониёр Обидовнинг ҳиссаси катта бўлган эди. Афсуски, бевақт ўлим бу фидойи инсонни орамиздан олиб кетди. Беларусликлар истеъдодли дипломат, беларусь маданияти ва адабиётининг самимий дўстини ҳамisha ёдда сақлайди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Беларусь Республикасидаги фақуллода ва муҳтор элчихона Раҳматулла Назаров ўзбек адабиётини тарғиб этишда беқиёс ишларни амалга оширмоқда. У бизнинг наشريётлар фаолияти билан танишиб боради. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги нашрларда бугунги кундаги Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган янгиликларни фаол тарғиб қилади. Унинг саъй-ҳаракатлари боис янгидан-янги ташаббуслар юзга келмоқда. "Звезда" нашриёти журналистлари Елена Левкович ва Екатерина Тишкевич яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтишди. Ҳамкорликда амалга ошириш учун янги ижодий лойиҳалар тайёрланмоқда.  
Тошкентда бўлиб ўтган "МДХ давлатлари илмий ва ижодий зиёлилар XV форуми"да Беларусь Ёзувчилар уюшмаси делегацияси фаол иштирок этди. Форум тадбирлари доирасида Ўзбекистон ва Беларусь Ёзувчилар уюшмаларининг ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги адабий алоқаларнинг янада ривожланишида катта имкониятлар яратиши шубҳасиз.  
**Рус тилидан Гулбола ТЎРАЕВА таржимаси.**

# ЎЛИМ ШАФҚАТСИЗ, ДЎСТЛИК АБАДИЙ



Дўстлик нима? Қувончми ё кайғу? Бойлигим ё бой бериш? Имтиёзим ё масъулият? Топишми ё йўқотиш? Менинчга, шуларнинг барчаси дўстликдир.  
Қувонч деганимнинг боиси болалиқдан бирга ўсган сирдош дўстининг кўрганингда, суҳбатлашганинга олам-олам қувонч топасан. Қайғу дея атаманимнинг сабаби – дўст бошига иш тушса, сен ҳам кўшилиб ғам чекасан. Бир азобинг минг бўлади. Бойлик деганимнинг боиси уйингда ё банкда турган миллион пулнинг йўқотишинг мумкин. Бироқ чинакам сарфдорлик дўст ҳеч қачон сени тарк этмайди. Ҳа-миша ташвишнинг шерик, ҳамisha ёнингда суянчиқ. У бор экан, ўзининг кучли ва қудратли, бой-бадавлат ҳис қиласан. Бой бериш дея атаманимнинг сабаби шуки, дўст ёнингда экан, сендан наҳоят, тушкунлик, алам чекинади. Яъни уларни бой берасан. Дўстлик, – бу имтиёз! Дўстининг иззат-обуриси сенинг ҳам иззат-обруйинг бўлади. Фалончининг дўсти, деган унвонга эришсан. Дўстлик, бу масъулиятдир. Чунки сен худди шу муқаддас маъвога доғ туширмаслигинг керак. Дўстинг қадр-қиммати, шаънини ўз ному-сингдай сақлашинг даркор. Дўстинг ёнингда экан, сенга барча мушкулликлар осон ва жўн туюлиб қолади. Дўст тарк этар экан, сени бутун дунё тарк этгандай бўлади. Ўзининг ёлғиз ва ғариб ҳис қиласан.

Азиз дўстим Собир Ўнарнинг вафоти ҳақида эшитган чоғимда кўнглимда шундай маҳзун ўйлар кечди. Бу ўй юзлаб-минглаб юртдошларимиз ҳаёлидан ҳам кечди, десам асло муболага эмас. Зеро, Собир Ўнар халқимизнинг улкан адиби, қайноқ қалб фарзанди эди. У ўз асарларида миллатимизнинг дардини, қувонч ва ташвишларини қаламга олишга интилди. Собир Ўнарнинг битикларидан ёмғирдан намиққан тупроқ иси, дала ўт-уланлари ифори фуфуриб турарди. Чинакам ўзбекча оҳанг, ўзбекча дунёқараш, маънавият ҳар саҳр аро жилва бериб турарди. Собир Ўнар қаламига мансуб "Орзуга тула қишлоқ", "Чамбилбелнинг ой даласи", "Бибисора" каби китобларни мутулаа қилган ҳар бир ўқувчи бунга гувоҳ бўлиши шубҳасиз. Адибнинг ўтган йили муҳтарам адабиёт ихлосмандларига тортиқ қилган "Олдинда ёнган маёқ" номли тўплами ҳам адабий жамоатчилик томонидан илиқ қутиб олинди. Айтиш мумкинки, мазкур асар Собир Ўнарнинг адабиётимиз, ўқувчилар олдиди ўзига хос сарҳисоби бўлди. Адабиётшунос олимлар, мутахассислар "Олдинда ёнган маёқ"ни замонавий ўзбек насрининг жиддий ютуғи сифатида баҳолашди. Зеро, унда Собир Ўнарга хос бадиий-эстетик қараш, фалсафий тутум, бадиий концепция яққол кўриниб турарди. Тўпландан жой олган қиссалар, ҳикоялар, публицистик битиклар ўзининг содда ва раволиги, сербўёқлиги, тиниқ ва таъсирчанлиги билан ўқувчиларни ўзига мағлб қиларди. Олимлар, адабий жамоатчилик, мухлислар Собир Ўнардан янада сермазмун, янада серқулам асарлар қутиб турарди. Бироқ, минг афсуски, шафқатсиз ўлим дўстимизни орамиздан олиб кетди. Қўзларга нам, кўнглиларга Аллоҳнинг иродасига бўйсунмаиз. Дўстимизнинг ортидан дуолар қиламиз. Охирати обод бўлишини, ётган жойлари нурга, жаннат ифдорларига тўлишини тилаб қоламиз.

**Луқмон БЎРИХОН**

## ТАҚДИМОТ

# ЙИЛЛАР АРМУФОНИ

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов "Илмда кўриқ очган олим", устоз Маҳмуд Саъдий "Адабиётшуносликда кашфиётлар қилган мунаққид" дея таърифлаган атоқли олим Бегали Қосимовнинг серқирра илмий



фаолияти ҳақида замондошларнинг кўп-лаб эътирофларини учратиш мумкин.

Кунга кеча Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовнинг уч жилдлик "Танланган асарлар" тўпламининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этиб, сўзга чиққан адабиётшунос олим Ш.Хуррат Ризаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров, филология фанлари докторлари Нурбой Жабборов, Баҳодир Карим ва бошқалар Бегали Қосимовнинг миллий адабиёт равнақи, Ватан мустақиллиги йўлида тадқиқотлар олиб борган олим, юзлаб шоғирдлар тарбиялаб чиқарган қаттиққўл устоз, яқин дўст сифатидаги фазилатлари ҳақида гапирди.

Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилган мазкур тўпламлар, шубҳасиз, замонавий ўзбек адабиётшунослигида воқеа бўлди. Бу ҳақида тўхталиб ўтган профессор Н.Жабборов устоз тадқиқотлари дунёнинг ундан ортиқ тилларига таржима қилиниб, улардан хориқлик олимлар ҳам кенг фойдаланаётганини таъкидлади. Шунингдек, адабиётшунос Ш. Ризаев Бегали Қосимовнинг тадқиқотларини мунтазам ўқи-ўрганишни йўлга қўйиш, институтларда курслар ташкил этиш ҳақида таклифлар киритди.

"Танланган асарлар"га олимнинг деярли барча тадқиқотлари жамланган: "Испомгача турк адабиёти" ҳақидаги қарашларидан бошланиб, замондош адиблар ижодига бағишланган мақолаларга тақдим этилган. Жумладан, биринчи жилд – "Ўзбек адабиёти тарихи" деб номланган ва кириш сўзи ўрнидаги "Миллий маънавиятимизнинг тамал тоши" мақоласи "Адабиёт маънавият аталмиш ҳодисанинг мағзини ташкил қилади", деган ҳикматли сўзлар билан бошланган. Китобга ўзбек адабиётининг қадимги даврдан XIX аср охиригача бўлиб ўтган адабий ҳодисалар, шунингдек, таъкидланган даврда яшаб ижод қилган етмишга яқин шоир, олим ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кири-

тилган. Уни мутулаа қилган ўқувчи атоқли олимнинг синчков матншунос сифатида қадимги ва кейинги даврларга оид кўлэмалар устида тинимсиз изланишлар олиб борганига гувоҳ бўлади. Биринчи жилд мумтоз адабиётимизнинг асосий хусусиятлари, ундаги айрим жанрлар, аруз вази ҳақидаги хулосалар билан яқунланади.

"Бегали Қосимов ўзининг бутун вужуди, фикрий олами, салоҳияти, эътиқоди, интилишлари, талабчанлиги, ростўйлиги, ваъдага вафо қилиши, миллатпарварлиги билан чиндан ҳам жадид эди", деб ёзда мунаққиднинг дўсти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. "Танланган асарлар" тўпламининг иккинчи жилди "Миллий уйғонш адабиёти" дея номланиб, олимнинг илмий изланишларида етакчи мавзу ҳисобланган жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти тадқиқоти бағишланган. Унда Ҳаракатнинг келиб чиқиши ва юртимизда кенг ёйилиши, жадидларнинг мустақиллик йўлида олиб борган кураши, маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мувофиқлаштириш борасидаги фаолияти чуқур таҳлил этилган ҳамда йигирмага яқин жадиднинг ҳаёти ва ижодий фаолияти илмий-назарий асосда ўрганилган.

"Бутун Ўзбекистондаги Миллий уйғонш даврини, унинг адабиётини ўрганишни истаган ёшлар Бегали атрофида уюша бошлади, бутун илмий мактаб шаклланди. Бу эса кейинчалик Миллий университетда Миллий уйғонш кафедрасини ташкил қилишга имкон берди", деб ёзда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов иккинчи жилдга ёзилган "Сўзбоши" да.

Олимнинг жадидчилик борасидаги изланишлари йиллар ўтган сари аҳамияти ортиб, долзарб бўлиб бораётганига ҳозир барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

"Танланган асарлар"нинг учинчи жилдига замонавий адабий-тарихий жараён билан боғлиқ мақолалар, адабий суҳбат ҳамда сафар таассуротлари жамланган. Бунда олимнинг мустақиллик даври адабий-илмий ҳаётига доир жиддий кузатишлари, замондошлар билан суҳбатлар, илмий мақсаддаги сафарлар давомида кўрган-кечирганлари ўз ифодасини топган.  
"Зиёли бўлиш буюк қисмат", деб ёзда муаллиф бир мақоласида ва ўз тақдирда миллат маънавияти, Ватан мустақиллиги учун курашни муқаддас бурч деб билди. Аслида Бегали Қосимовнинг барча тадқиқотлари замирида ягона мезон – Ватан олдиди куюнчак фарзандлик масъулияти, курашчан олим қарашлари сезилиб туради. Бизни ўзига жалб этадиган оҳанрабо аслида мана шудир.

**ҲАҚБАРОВ**

## КИТОБ УЙЧАЛАРИ ТЎЛДИРИЛМОҚА



Икки кун аввал ижтимоий тармоқлар орқали зиёлиларни Адидлар хибёнидаги Китоб уйчаларини тўлдиришга чорлагандим. "Ҳеч ким келмас-я!" дея хавотирландим ҳам. Аммо дўстлар кучоқ-қучоқ китоб олиб келиб, бўшаб ётган икки уйчани тўлдирди. Мен ҳам 25 донга китоб олиб келдим. Зебинисо Аҳмедованинг бир қути муаллифлик китоби бундан кўп эди. Муҳайё Муҳаммаджон Йўлдош ўғлидан бериб юборган икки елим халта китоблар эса ноёб.

"Бу тадбирни ҳар ой ўтказайлик", "Буни мушоира, маҳорат дари тарзида давом эттирайлик", деган таклифлар бўлди. Таклифларни амалга оширишни режалаштирдик. Энди "Мовий гумбаазлар" ва Ботаника бониди Китоб уйчаларини тўлдираемиз. Сиз ҳам сафга қўшилинг!


**Фозил ФАРҲОД**

## ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# ШОИР ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Юксак дид ва эътибор билан тайёрланган ҳар қандай ижодий иш зукко муҳлиси ўзига жалб қилганидек, телеэкранда намойиш этилган яхши кўрсатув ҳам томошабинни сеҳрлаб қўяди. Шу йил 15 ва 16 декабрь кунлари "Маҳалла" телеканалда муаллиф Сирожиiddин Иброҳимнинг Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи ижодида бағишланган икки қисмли "Иймон асири" ҳужжатли фильми кўрсатилди.  
Мазкур фильмдан адабиётшунослар Қозоқбой Йўлдошев, Олим Олтинбек, Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Хуршид Даврон, таниқли шоирлар Чоршам Рузиев, Қарим Бахриев, Ҳалима Аҳмедова, Гўзал Бегим, эл севган санъаткор Дадаҳон Ҳасан, тилшунос олим Бахтиёр Исабек, тарихчи Абдусаттор Жуманазар, қандакор Омон Азиз ҳамда шоирнинг қизи Муқаддас Абдурахмонованинг хотиралари, фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Рауф Парфи ижодининг асосини эркинлик, хурлик, озодлик мавзuları ташкил этади. Шунингдек, ҳужжатли

фильмда унинг ватанпарварлиги, ижодининг асл моҳияти, одамийлиги ҳақида илиқ фикрлар айтилган. Рауф Парфининг шахсий архивидан фойдаланилган ҳам фильм таъсирчанлигини оширган.



Ёлгонни истеъдод кушандаси деб билган Рауф Парфи ижодий учрашувларнинг бирида: "Шеърятда ёлгон гапириш мумкин эмас. Шунинг учун кўпинча мен шеърят билан қоламан", деганди. Яна бир учрашувда: "Агар шеърятимиз ёлгон билан аралашиб кетаверса, биринчидан, жаҳон адабиётидан узилиш бўлади. Иккинчидан, миллатни чапғитиш бўлади" деганди.

Дарҳақиқат, айрим қаламқашларнинг енгил-елпи шёърлари бу борада Рауф Парфи ҳақ бўлганини кўрсатди. У бир шеърда шундай ёзганди:

**Ҳар ким ўз қалбига ўзидир хоқон,  
Барбир мен сени севиб Сизларман.  
Эҳтимол, ноҳақман, эҳтимол, ҳақман,  
Муқаддас Туркистон  
сўзин изларман...**

У Ватанни сизлаб севарди, Туркистон халқларининг жипслигига орзуманд эди. Шу боис Рауф Парфи шеърятини нафақат биз, балки барча туркий халқлар учун бирдек қадри ва суюмлидир.


"Иймон асири" ҳужжатли фильми ижодкорлари муаллиф Сирожиiddин Иброҳим, режиссёр Равшан Раҳмонов, муҳаррир Муҳтор Абдуллаев ва ҳужжатли фильм бадиий раҳбари Иқром Чориев хайрли ишга кўл урди. Амминимизки, элдошларимиз орасида Рауф Парфидек миллатпарварлар кўп. Фильм ижодкорларидан келгусида ҳам шундай теледастурлар қутиб қоламиз.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,  
журналист**

## АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

# «Жаҳон адабиёти» 2022 йил ноябрь сони

Машхур инглиз драматурги Рэй Кунининг "Пул ўлсин" номли икки пардалли комедиясида меҳнат қилмай топилган пул кишининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини қанчалик ўзгартириб юбориши, руҳиятига таъсир кўрсатиши тасвирланган. Пьесани ўзбек тилига Ҳабиб Сиддиқ таржима қилган.



Ижоди Нобель мукофоти совриндори Ҳерманн Ҳессе томонидан юксак эътироф этилган машхур олим Адипи Вилхели Раабенинг "Сирли қотиллик қиссаси" асарида бош қаҳрамон қутилмаганда аллақачон унутилган бир жиноят изига тушиб қолади... Қизиқарли сюжет асосига қурилган мазкур қиссани немис тилидан Мирзаали Акбаров таржима қилган.

"Шеърят минтақалари" да атоқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов ижодидан намуналарини (таржимон Ойдинисо) ва шоир Вячеслав Лининг шёърларини (таржимон Г.Усмонова) ўқийсиз.

Академик Наим Каримовнинг "Вамберининг ўзбек ҳамроҳи" мақоласи венгриялик олим А.Вамберига ҳамроҳлик қилган Мулла Исҳоқнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Вашингтон университети магистри Дилбархон Аҳмедованинг "Асрлар сасига уйғун ҳикматлар" сарлавҳали мақоласида Хожа Аҳмад Яссавий мероси бўйича жаҳон миқёсида амалга оширилган тадқиқотлар, бу сиймо асарларининг туркий тили адабиётга кўрсатган улкан таъсири ҳақида сўз юритилади.

## ПРЕМЬЕРА



Ўтиб бораётган "Инсон қадри ва фаол маҳалла йили" эса қоларли воқеаларга бой бўлди. Жумладан, шу йил бошларида эълон қилинган Президентимизнинг "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги

бирон театр режиссёрлари, актёр, актрисалари бошқа театр ижодий жамоаси билан спектаклларда қатнашиши бир неча йиллардан буён самарали амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тарихий саҳна асари учун Муқимий номидаги мусиқали театрнинг маҳоратли актрисаси Гуласал Раҳмонова Тўмарис ролига таклиф қилинди. Бу ролни, шунингдек, мазкур театр актрисаси Ўғиллой Холбекова ҳам ижро этмоқда. Бошқа ролларда Солийжон Мирзаев (Қир), Азизбек Турдалиев (Спарангиз), Дурдона Турдиева (Зарина), Воҳиджон Турдиев (Фарадус), Акмал Тожибоев (Хугаус), Барно Алимова (Тўмарис соқчисини), Баҳодир Мажибов (Раносбат), Лутфилло Йўлдошев (Баруво), Барно Мирзакаримова (Момо) каби тажрибали ва ёш актёрларни кўриш мумкин.

# САҲНАДА «ТЎМАРИС»

қарори театрларимиз ижодий ҳаётида катта янгиликлар ва ўзгаришларни бошлаб берди. Мазкур қарорда Маданият вазирлиги томонидан "Инсон қадри учун" эзгу ғояси асосида янги спектакль яратиш учун ҳар йили 40 та давлат буюртмаси берилиши белгилангани барча театр ижодкорларини хурсанд қилиш билан бирга, яхши асарларнинг кўпайиши йўлида янада ғайрат билан ишлашга рағбатлантирди.

Шу йил бошида кўпчилик театрлар қатори Андижон Ёшлар театри жамоаси Ўзбектош Қиличнинг "Тўмарис" тарихий асарини давлат буюртмаси асосида саҳналаштирадиган бўлди. Истеъдодли режиссёр Дoston Ҳақердиев саҳналаштирувчи режиссёр этиб белгиланди. Либослар бўйича расом сифатида тажрибали мутахассис, ўз касбининг фидойиси Севара Зуннунова иш олиб борди. Вазирлик ташаббуси билан

– "Тўмарис" асарини саҳнага олиб чиқиш учун анча жиддий тайёргарлик кўрилди, – деди театр директори Бегзод Ҳамидов. – Мазкур жараён театримизнинг кўпгина ижодкорларини тоблади, десам муболага бўлмайди. Бу спектакль унда қатнашган санъат мактаби ўқувчилари учун ҳам том маънода тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Аслида ҳам тарихий асарлар ижодкорларни тоблади, изланишга, ўрганишга ундайди. Гуласал Раҳмонова Тўмарис образига сидқидилдан ёндашди. Натижада томошабинлар саҳнада ҳақиқий ватанпарвар, жонқуяр, қаҳрамон аёл-она қиёфасини кўрдилар. Яхши тарихий спектакллар яратиш йўлидаги изланишларимизни бундан бўён ҳам давом эттираемиз.

**Нозила ҲАСАНОВА**

# ЎЗБЕКТИМ



Суратда: (чапдан) Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов ва Ибройим Юсупов

## Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фароб авлодидан, Асли насли балки Ўзлук, Балки Тархон, ўзбегим.

Ўдилар шўрлик бошингдан Ўйнатиб шамширларин Неча қоон, неча султон, Неча минг хон, ўзбегим.

Тоғларинг тегранда гўё Бўлма аждар бўлди-ю, Икки дарё — икки чашминг, Чашми гирён, ўзбегим.

Қайсари Рум найзасидан Бағрида доғ узра доғ, Чингизу Боту тигига Кўкси қалқон, ўзбегим.

Ёғди тўрт ёндин асрлар Бошингга тийри камон, Умри қурбон, мулки торож, Юрти вайрон, ўзбегим.

Давр зулмига ва лекин Бир умр бош эмадинг, Сен — Муқанна, сарбадор — сен, Эрксева қон, ўзбегим.

Сен на зардушт, сен на буддий, Сенга на оташ, санам, Одамийлик дини бирла Тоза имон, ўзбегим.

Маърифатнинг шуъласига Талпиниб зулмат аро, Кўзларингда оқди тунарл Кавказистон, ўзбегим.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек Кўрагоний жадвалин, Сирли осмон тоқига илк — Кўйди нарвон, ўзбегим.

Мир Алишер наърасига Акс садо берди жаҳон, Шерият мулкида бўлди Шоху султон, ўзбегим.

Илму шеърда шоху султон, Лек тақдирига қул, Ўз элида чекди гурбат, Зору нолон, ўзбегим.

Мирзо Бобур — сен, фиғонинг Солди олам узра ўт, Шох Машраб қони сенда Урди туғён, ўзбегим.

Шериятнинг гулшанида Сўлди маҳзун Нодира,

Сийм тинни ювди кўз ёш, Кўмди армон, ўзбегим.

Йиғлади фурқатда Фурқат Ҳам муқимликда Муқийм, Нолишингдан Ҳинду Афғон Қилди афғон, ўзбегим.

Тарихинг битмакка, халқим, Мингга Фирдавсий керак, Чунки бир бор чеккан оҳинг Мингга дoston, ўзбегим.

Орта қолди кўна тарих, Орта қолди дард, ситам, Кетди ваҳминг, битди захминг, Топди дармон, ўзбегим.

Бўлди осмонинг чароғон Толе хуршиди билан, Бўлди асрий тийра шоминг Шуълаафшон, ўзбегим.

Мен Ватани боғ деб айтсам, Сенсан унда битта гул, Мен Ватани кўз деб айтсам, Битта мужгон, ўзбегим.

Фахр этарман, она халқим, Кўкрагимни тоғ қилиб, Кўкрагида тоғ кўтарган Танти дехқон, ўзбегим.

Ўзбегим деб кенг жаҳонга Не учун мадҳ этмайин! Ўзлим билмоққа даврим Берди имкон, ўзбегим.

Мен буюк юрт ўғлидурман, Мен башар фарзандиман, Лек аввал сенга бўлсам Содик ўғлон, ўзбегим.

Менга Пушкин бир жаҳону Менга Байрон бир жаҳон, Лек Навоийдек бобом бор, Кўкси осмон, ўзбегим.

Қайга бормай бошда дўппим, Ҳоз юрарман, гердайиб, Олам узра номи кетган Ўзбекистон, ўзбегим.

Бу қасидам сенга, халқим, Оқ суту туз хурмати, Эркин ўлгинман, қабул эт, Ўзбегим, жон ўзбегим.

## Одил ҲОТАМ

# ХАЁЛ БИЛАН ОЛИШАР ЮРАК

## ТАВАЛЛУД

На сурон ва на сас қолади, Тунги қушлар чуғури тинган. Борлиқ майин нафас олади, Ой шуъласин йўриғи билан.

Мушфиқ ердан ҳар тонг, субҳидам, Ўвилади гард, губор, чанглар. Ёунчаларнинг пинҳон кўксиди Туғилади азалий ранглар.

\*\*\*

Олислардан келасан гарчанд, Йўллар сендан сўрамас изн. Кўнглинг бузма, уринма ҳарчанд, Оҳанглар ҳеч букмайди тизин.

Чумолига бермайсан озор, Кўл силкитмай пашшаларга ҳам. Кимдир сенинг нигоҳингга зор, Йўл юрасан — тортасан бардам.

Сўрамайди сендан ҳеч тақор, Ранглар қандай қорилмоғини. Кимдир жуда кутар интизор — Юрагининг ёрилмоғини...

\*\*\*

...Сабабларнинг сабаблари кўп, Кўпдир баҳонага баҳона. Келаверар булутлар тўп-тўп, Ёмгиру қор ёғар — пинҳона.

...Излайверсанг таъриф зийёда, Карвонларинг беҳуда кетар. Отлиқлардан кўра пийёда, Манзилга эртароқ етар.

\*\*\*

Миллат хотирасин ўсанлариди Бешиқ-бешиқ тўлқин сузар басма-бас. Адоқсиз кечининг тубсиз қарбидан Тарих деб аталмиш қуёш берар сас.

Гоҳида қон, йиринг, гоҳ зилол сувлар, Оқмишдир оқизиб чақинлар лошин. Синар заҳар-заққум ҳам бол ғулувлар, Неча наслларнинг тўзмас бардошин.

Ҳар лаҳза ўз аслин тиниқ сақлаган, Пўртана тўлғоқдан гувранар ҳамон — Ажабланманг, қурғоқ узан ўрнидан, Тоғлар ўсиб чиқса, отилса вулқон...

Самарқанд, Бухоро миноралари, Калта минор ўсган Урганч, Хивалар, Ўтмишнинг мислсиз канораларин Шарҳидан сўйлайди тиллар, шевалар.

Кўёшнинг давоми — яшил тириклик — Чашма, булоғидан бошланган ўзан — Мангулик уммони сари зврилиб — Бешиқ-бешиқ тўлқин — тилсимот сузар —

Миллат хотирасин ўсанлариди...

## ЭСКИ КЎПРИК

Бир томони бир оз қийшайган, Сув босгандир ариқ тошганда. Йўлни яқин қилиб букчайган, Йўловчилар ҳаддан ошганда.

Қотиб қолмагандир урф-одат, Янгиларан гоҳи шодлик, ғам. Бузмоқликка ахир, на ҳожат, Асқотади эски бўлса ҳам.

\*\*\*

Баҳоргача ҳали кўп узоқ, Қор босади кўнгли кўчасин. Яшилликка қўяди тузоқ, Вақт сарҳади — ялдо кечаси.

Қор, ёмғирлар юволмағай ҳеч, Айриқдан қолган доғларни. Ичккан ой чорлайди ҳар кеч Зийфатга қарға-зоғларни.

Хаёл билан олишар юрак, Қош устида ҳакам — қор, қиров.



Бодом гули — алданган гўдак, Маъсумликка қафилдир сўров.

Туман босган соқин соҳиллар, Тўлқинларга айтар алвидо. Кўзда ёнган соғинч соҳир лаъл — Қалдирғочдан валфажр — нидо.

Саф-саф терак оппоқ ғамини Қордай тўкиб йўл четларига. Билмай қолар айланганини Навбахорнинг элчиларига...

\*\*\*

Анча интиқ наволар бисёр, Бу оламинг пучмоқларида. Абадият — тилсим устувор — Қалдирғочлар учмоқларида...

Тафаккурнинг йўқидир поёни, Гуноҳ савоб бўлғайдир ажр. Ҳикматларга чулғар дунёни, У келтирган боқий валфажр.

Гуллаб кетар асл моҳият, Кошки, унинг қаърига етсанг. Армонларга дўнар аслият — Уни бир бор тинглайман кетсанг...

## ЧЎҚИДАГИ ОДАМ

Армонлари қирларда қолган Ё тер бўлиб томган жарликка. Ўкинчлари буткул йўқолган, Орзулари йўл олар тикка.

Нигоҳида кенг осмон, хаёл, Етагида тоғлар карвони. Тўпига чиқмас, эҳтимол, Сув босса ҳам бутун дунёни.

Ўтиб борар ёшлиқ, баҳори, Оқ булутлар назарга илмас. Учай деса йўқидир мадори, Пастга эса тушгиси келмас.

# БУНДА НЕЛАР ЁДГА ТУШМАЙДИ

**Сентябрнинг охирларида Самарқандда қорақалпоқ адабиёти кунлари бўлиб ўтаётган эди. Навбатдаги учрашувга автобусда кетаётганимизда гап орасида бундан кўп йиллар аввал бўлиб ўтган ёш ёзувчилар семинарини эсладик.**

**1980 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида ҳар ойнинг охирги шенба кунини соат 15.00да “Очиқ эшиклар кунини” ўтказиладиган бўлди. Бу республикамиз ёш ижодкорлари учун одатдаги амалий сабоқ олиш, яъни семинар-кенгаш эди. Ҳар бир машғулотада таниқли ёзувчи, шоирлар иштирок этиб, ўз биланларини ўргатар, ёшларнинг ижоди билан ҳам танишиб борарди.**

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов доим семинарни кузатиб борарди. Шу ерда биз таниқли халқ ёзувчиларини кўрдик, халқ шоирларининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлдик. Жумладан, Жўлмирза Оймурзаев, Тилевберган Жўмамуротов, Хожабек Сейитов, Тожитдн Сейтжонов, Бойнияз Қайипназаров, Фалим Сейтназаров, Гулайша Есемуратова, Генжемурат Есемуратов, Эденбой Тожимуротов, Исмойил Қурбонбаев, Жолдасбой Дилмуратов, Матен Сейтнийязов... Албатта, уларнинг асарларини мутолаа этиш ва бевоқифа ўзлари билан юзма-юз мулоқотлар бизга битмас-туганмас илҳом бағишларди. Ундан кейинги авлод ёзувчи-шоирлари ҳам бизга йўлчи юлдуз бўлишди. Яъни Шавдирбай Сейитов, Узоқбай Пиржанов, Камал Мамбетов, Талепберген Матмуротов, Абдимурот Отажонов, Гулистон Шамуратова, Толибай Қабулов, Кенгесбой Раҳмонов, Сейдабулла Пиржонов, Тенгелбой Сарсенбоев, Мамбетали Қайипов ва бошқалар. Ҳар машғулотада улардан маслаҳатлар олганмиз. Ҳар ойда ўтказилган семинар-кенгашларда ижод оламига қизиққан ёшлар орасидан Ёзувчилар уюшмасининг республика миқёсида ўтказиладиган семинарларида иштирок этиши мумкин бўлган ёшлар саралаб олинарди.

## ЭССЕ

“Офтобли кун” китоби, Мирзо Кенжабекнинг шеърини тўплами чиққан, улар бизга дастхат ёзиб беришганди. Алишер Ибодиновнинг ё китоби чиққан ёки ҳикоялари овоза бўлиб, олдиндан танилган эди... Қолганларнинг ҳам асарлари турли нашрларда босилган эди. Шу қатори бизнинг машқлар ҳам газета-журналларда, “Ёшлар орбитаси” альманахида ёруғликни кўрган эди...

Наср йўналишида ижоди билан юртга танилган ёзувчилар сафида бўлдим. Улар орасида Орзикул Эргаш, Маъсума Аҳмедова, Алишер Ибодинов, Матлуба Эгамбердиева, Мақсуда Эргашева, Абулқосим Мамарасулов, Мустафо Нурли, Венера Иброҳимова, Ҳаётхон Орқибоева, Раҳим Қодир ва бошқалар бор эди (орадан кўп йиллар ўтгани учун эҳтимол кўпларнинг исми-шарифини унутгандирман, бунинг учун узр сўрайман).

Бизни ўша семинарга устозимиз Тўлепберген Қайипбергенов бошлаб борди. Ўшанда Дўрмондаги дала ҳовлисида яшайдиган Зулфия ва Иброҳим Фафуров билан учраштирдик.

— Мана бизнинг эртанги ёзувчи, шоирларимиз, — деди Тўлепберген оға бизни уларга таништириб. Сўнгра эринмай ҳар биримизнинг исми-шарифимиз, нималар ёзаётганимизгача сўзлаб берди. Улар ҳам бизнинг адабий қарашларимизга қизиқди, саволлар берди, ўзларининг бебаҳо маслаҳатларини аяшмади. Ўша ерда Тўлепберген оға менинг бир ҳикоям кўлёмасини Иброҳим Фафуровга кўрсатди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 20 августдаги 34-сониди “Менинг дўстим” номли ҳикоям Сафар Омон таржимасида босилиб чиқди. Газетанинг ўша кунги сониди Бахтиёр Генжамурод ва Кенгесбой Рейимовнинг шеърлари ҳам эълон қилинди. Шунда бошқа газета-журналларда ҳам ёзганларимиз босилди.

Шундай қилиб, бизга улкан ёзувчилар Одил Ёқубов, Суннатилла Анорбоев, Тоҳир Малик, Нурали Қобул ҳам сабоқ беришди. Уларнинг наср бўйича ўтган сабоқлари, семинар ўтказиш усуллари, ҳикоя, қиссалар ёзиш борасидаги маслаҳатлари ҳамон ёдимда турибди. Уларни биз адабий майдонда ўзимизга қурол қилиб олганмиз ва тўплаган тажрибаларимизни кейинги келатган ёшларга айтиб ўргатишга ҳаракат қилганмиз. Бу улкан ёзувчилар ҳозирда ҳам, бугунги Дўрмонда бўладиган семинарларда, минг йиллик чинорлар остида бизларни кутиб тургандек туюлаверади. Бугун биз кексайиб қолган бўлсак-да,

уларнинг ёнида бола қаторимиз, бир умр шогирд бўлиб қолаверамиз. Ўша вақтларда йигирмадан эндигина ўтган ёшлар (ҳозир нафақадимиз) устозлар томонга ошиқиб бораётгани кўз олдимга келаверади...

Семинар давомида иштирокчилар нашриётларга, республика газета-журналлари таҳририятларига, босмаҳоналарга таништирувга олиб борилди. Ўша ердаги ижодий жамоалар билан учрашиб, уларнинг иш жараёнлари билан яқиндан танишдик. Ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоблар олдик. Бизни катта қорхонада китоб, газета-журналларнинг нашр этилиши, босмаҳона ускуналарининг кўплиги, уларнинг шовқини, босмаҳона ишчи-



Малик НУРИДДИНОВ олган сурат

лари — барча-барчаси ҳайратга солган. Рангли газета-журналларнинг нашр этилиши ҳам бизга қизиқарли туюлган. Кейинги кунини Тошкент трактор заводи-га бордик. У ерда замонавий тракторларнинг турли қисмлари айрим-айрим ишлаб чиқирилиши, охири барчаси йиғув цехида жамланиб, тайёр трактор ҳолига келтирилишини кўрсатишди. Умуман, семинар кунлари биргина Дўрмон боғида банд бўлмасдан, турли меҳнат жамоаларига саёҳатларга бордик, илғор ишчилар, хизматчилар билан учрашдик, Тошкентнинг бошқа дам олиш, маданий масканларида бўлдик... Яна бир воқеа ёдимда. 18 август кунини туғилган куним эди, шунинг учун Нукусдан кетаётиб курилган балиқ, турли нозу нэматлар олгандим, дастурхон ёздим, кўнгилга яқин йигит-қизлар хонамга кириб табриқлашди, яхши тилақлар билдиришди. Шундай ўтиришларда, устозларни кутиб қолганимизда орамизда даврани қизитадиган йигитлар бор эди. Улардан бири шоир Сирожиддин Саййиддир. Сирожиддин оға концертдаги бошловчидай дўстлар номини келтириб, даврани бошқарди.

— Қўшиқни фалончи ижро этади, синтезаторда Бахтиёр Генжамурот, гитарада Марат Тавмуратов, доирада Мирзо Кенжабек, рақсида... — деб яна ўша ердаги ёшлардан бирининг номини келтирарди. Шунда барчамиз ичак узилгудек кулишамиз... Албатта, бу ўша кунлардаги мароқли дамларнинг айрим лавҳаларидир. Ҳозир ўша ўтган дамларни эслаб, жуда соғинаман...

Жазирама ёз кунлари Тошкент шаҳри ва вилоятида Қорақалпоқ адабиёти кунлари бўлиб ўтди. Дўрмонга жойлашдик. Мен учинчи қаватдаги бир хонада, шоир инимиз Ривож Ўтарбоев билан бир хонада бўлдим (Самарқандда ҳам иккимиз бир хонага жойлашгандик). Шунда бундан қирқ йил аввал бошдан кечирган кунларим нафасини ҳис этдим. Мўйлаблари эндигина сабаза урган йигитлар билан сулувиқда адабиёт бўстонида бизни лол қилган қизлар ўша теғараларда, улкан чинорлар остидаги ўриндиқларда давра куриб ўтиргандай бўлди. Шунда Сирожиддин Саййиддиннинг ҳаммани қулдириб, даврага файз киритгани кўз олдимда жонланди... Аммо буларнинг барчаси бизнинг тасаввур оинамизда, энди сира ортага қайтмағай, ўтган кунлар энди ёдимизда яшайди, ўзимиз эса, келажак кун сари дадил қадам босиб илгариларимиз...

Марат ТАВМУРАТОВ, ёзувчи

Ҳақ таоло адабиёт оламидаги ҳар бир янги авлод силсиласини ўз муносиб мунаққидлари ва сўзшунослари билан бирга пайдо қилар экан. Адабиётимизга Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева тўлқинлари кириб келганида уларнинг қаторидан Иброҳим Ғафуров ҳам муносиб ўрин олди. Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Раҳмон, Хуршид Даврон, Йўлдош Ўшбек, Азим Суюн каби шеърят авлоди майдонга чиққанида уларнинг шеърини Иброҳим Ҳаққул сўзи билан ҳимояланди. Таржима санъати тавсифи эса Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов тасарруфиди камол топди.

Иброҳим Ғафуров асл адабиётни, асл шеърини, сўз санъатидаги ҳикматни қадрлайдиган, севадиган ва уларга тўғри баҳо берадиган мунаққид ўлароқ сўз майдонига кириб келди.

Катта мамлакат адабиётида шеърят ва насрнинг янги тўлқинлари пайдо бўлган вақтларда Иброҳим Ғафуров ўзбек адабий муҳитини ҳаракатлантириб турувчи маънавий кувватлардан бирига айланди. У кишининг марҳум мунаққид олим Норбўй Худойбергенов билан “Ўзбекистон маданияти” газетасида олиб борган давомли баҳслари, ўйчан дил билан ёзган асарлари ўзбек зиёлиларида эркин фикрлар уйғонишига сабаб бўлди.

Биз Иброҳим Ғафуровни аввало улуг устоз Эркин Воҳидов шеърлари орқали таниганмиз. Устознинг 1968 йилда ёзган газалида куйидаги сатрлар бор:

*Эй кабутар, шеърим олиб  
ёри дилҳомингга ет,  
Ёр менинг оҳимга етмас,  
энди сен оҳимга ет.*

Бу ғазал куйидаги байт билан тамомланади:

*Эй кабутар, дўстларимни  
соғиниб қолдим букун,  
Сен бу соғинч шеърим олиб,  
дўстим Иброҳимга ет.*

Эркин Воҳидовдек зотнинг дўсти бўлган киши ҳазилакам одам бўлмайди-да! Яна “Қорхат” (1973) деган шеърда устоз ёзади:

*Мен бўлай бир неча ҳамроҳим билан.  
Ўлмасу Абдулла, Иброҳим билан.*

Булар: Ўлмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров. Шундай улуглар сафида эсланаётган киши, албатта, эътиборингизни тортади.

Устоз Эркин Воҳидовдан: “Иброҳим Ғафуров билан қачондан дўстлашгансиз?” деб сўраганимда, устоз: “Биз Тошкент давлат университетининг 4-босқичини тугатганимизда (Туркманистонга) ҳарбий машқ майдонига кетаётганимизда поездда яқиндан дўстлашганим. Иброҳимжон поезд йўлагининг зинасига узун оёқларини узатиб ўтириб, манзараларни ўйчан томоша қилиб борар эди”, деган эдилар... Ўшанда, ёш Иброҳим оғамиз йўлларда учраган дашту далалар, қир-адирлар, тоғу тошлар, дарёю чўлларни шоирона қалб билан кузатиб бораётгандек таассурот қолган менда...

Ва ниҳоят, илмий, танқидий, адабий асарлари шеърини табиат билан ёзилган олимнинг асл шоирона қалби буткул ошкор бўлди: Иброҳим Ғафуров мансуралари у кишини шоир сифатида элга маълум қилди.

Камина Иброҳим Ғафуров мансуралари ҳақида сўз айтиш нуқтида, чунки бу мансуралар адабиёт оламида муносиб баҳосини олмади, деган фикрда эдим. Лекин бу ҳақда биринчилардан бўлиб муҳтарам олимимиз Шуҳрат Ризаев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида мақола чоп эттириб, мансураларни баҳоли қудрат тақдирлади.

\*\*\*

Мансуралар — насрий шеърлар, уларнинг замирида насрга ҳам, назмга ҳам сигмайдиган фикрлар, шеърини тасвирлар билан бирга публицистик ифодалар ҳам бор. Уларда инсон қалбининг таҳқир этилишига қарши исёнлар, жаҳондаги ижтимоий ноҳақликларга кескин ва равшан муносабат билдирувчи сатрлар бор. Уларда ҳаёт гузалликлари ва яратилиш ҳикматларини баён этувчи тавсифлар, ғамгин руҳга таскин берувчи тасаллийлар, ягона бошқарувчи Зотнинг тенгсиз қудратини билдирувчи олам хулосалари ҳам мавжуд. Уларда ҳақиқатга тик борувчилар ва четгир кимсалар (қаламкашлар) ҳақидаги таърифлар ҳам бор. Уларда тарихни пулга чакувчи, озодликни танга қилиб майдаловчи тубан босқинчиларга қарши ошкора курашлар бор. Фақат мансуралари ўқийдиган киши муаллифга дўст бўлиб, дарддош ва дилдош бўлиб ўқиси керак.

\*\*\*

Мансура соҳиби йўқолган тарихлар дарвозасини тақиллатади:

*“Бу дарвозани тақиллатаётганимга эллик йил бўлди. Йўқ дарвозани тақиллатиб ётибман. Дарвоза йўқолган.*

*Сиз айтасиз: йўқолган дарвозани тақиллатиб бўлмайди. Лекин мен тақиллатаман йўқолган ўша Дарвозани.*

*Амир Хайдарнинг ёқасидан тутаман: — Амир Хайдар! Қани менинг дарвозам! ...Амир Хайдар тангалар яساتган бу дарвозадан! ...Амир Хайдар тарихни чақага майдалади... ...О, энди у дарвоза йўқ! Балки олиб кетганлар Эрон заминга!*

*Қайда, эй Нодир шоҳ, бу заминнинг дарвозаси! Ўз юртингда йўқ эдими дарвоза? Олиб кетдинг Туркистондан дарвоза? Қумдан излайми энди у дарвозани?...*

*Мағлублик дарвозани тангага майдалашдан бошлангай.*

*Дарвозасини ўғирлатган довини ҳам ўғирлатгай!... Эллик йилки, мен тақиллатиб*

*чиқаман бу дарвозани.*

*Бибихоним дарвозасини...”*

Бу теран ва дардлиғ мазмунни қофия кўтармаса керак. Бу мазмун мансурадан бошқа шаклга сикмаса керак.

Бир мансура “**Нажмиддин кубронинг ити**” деб номланади. “*Ажабланманг: мен бугун Нажмиддин Кубронинг итиман*” дейди мансура соҳиби.

Нажмиддин Кубронинг ити қандай ит? Ҳазрат Навоий ёзадилар: “Бир кун ул Ҳазратнинг мажлисида Асҳоби қаҳф (Фор ахли) аҳволининг баёни ва ҳақиқати ўтар эди. Ҳазрати Шайхнинг асҳобларидан бўлган Шайх Саъдуддин Ҳамавий қуддиси сирруҳунинг кўнглидан ўтдики: “Ажабо, бу умматда шундай киши бормики, суҳбати итга таъсир қилса?”

Ҳазрат Шайх каромат нури билан билдилар ва туриб хонақоҳ эшигига бориб турдилар. Ногоҳ бир ит етди, думини ликиллатар эди. Уларнинг муборақ назарлари у итга тушди. Ўша заҳоти бахшиш топиб, мутахаййир ва беҳуд бўлиб, шаҳардан юз ўғирди ва гўристонга юзланди, бошини ерга суртар эди.

Айтадиларки, у ит ҳар қаерга борса, келса, эллик-олтмишга яқин ит унга эргашар ва ундан айрилмас эдилар, у қайда тўхтаса, теграсида халқа уриб, қўлларини қўл устига қўйиб, овоз чиқармай туришар эди, ҳеч нарса ейишмас эди, хурмат билан туришар эди. Оқибат у ит яқин орада ўлди. Ул Ҳазрат буордиларки, уни дафн қилдилар ва қабри бошида бир ёдгорлик қурдилар”.

Мансура соҳиби: “*Мен Нажмиддин Кубронинг уша итиман*” демоқчи. “*Нажмиддин Кубронинг ити ўлган эмас, у ўладиган ит эмас*” демоқчи. “Токи дунёда душман зоти бор экан, токи оламда босқинчи зоти бор экан, Нажмиддиннинг ити тирикдир!” демоқчи. “*Тушунтириб берай сизга сўзининг боисин: Чингиз босқинидан қолган*

*асорат бор ҳужайраларимда.*

*Доим оғриб турар шу ҳужайраларим.*  
*Улардан таралади Нажмиддин Кубро нидоси...”*  
*“...Ғолиб чиқар эди Нажмиддин*

*барча баҳсларда.*

*Ғолиб суфий эди Нажмиддин”.*

*“Нажмиддинни Кубро дер эдилар. Зеро, уни асло енгиб бўлмас эди баҳсу талашда”.*

Ҳазрати Алишер Навоий аятадилар: “Ва дебдурларки, аларга Кубро андин лақаб бўлдики, йилгилки авонидаким, зоҳир улуми тақлимига машғул эрмишлар, ҳар ким билаким, мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмиш — ул кишига ғолиб бўлурлар эрмиш”.

*“...Она юртга тортaverди оёқлари.*

*Ғашлик ўртаб*

*Хоразмга қайтди Нажмиддин.*  
*...Чингиз ўрлаган эди гўзал Ўрта Осиёга.*

*...Абулжаноб дер эдилар яна Нажмиддинни. Зеро, у ўзини халос этган эди дунё ҳавасларидан...  
Валитарош дер эдилар Нажмиддинни. Зеро, орифлар дунёга келарди у билан мусоҳабаларда. Дилларни тарбия қиларди Нажмиддин”.*

Ҳазрат Алишер Навоий ёзадилар: “...Ва аларни Шайх Валийтарош ҳам дебдурлар. Онинг учунки, важду ҳол ғалаботида муборақ назарлари ҳар кимга тушса, валоят (авлиёлик) мартабасига етар эрмиш.

*...Абулжаноб кунияти Ҳазрат Расулulloҳдан у кишига иноят бўлди...”.*  
*“...Орифлар тарқади. Фозиллар кўчди.*  
*Кўҳна Урганч қолди хувиллаб. Маънос мардлар қолди. Қолди сокин Нажмиддин.*  
*Қочишга ўрганмаган эди Нажмиддин. Кўрқишга ўрганмаган эди.*

*Маърифатнинг дови яшар дилида.*  
*Жон эмас, шу тупроқ, шу Ватан ширин кўринарди унга.*

*Кўҳна Урганч ҳимоясида турди Нажмиддин. Қутурган оломон. Пишқирган пакана отлар...  
...Атрофда қолмади кимса. Саф кетидан саф. Ўқирар мўғул жангчилар. Ҳайқирар сўфий Нажмиддин.*

*Шу онда у сезиб қолди бирдан бир ўзи юртга айланганини.*

*Қалъага, дарёга, санъатга айланганини Нажмиддин”.*

Мана энди мансурада Нажмиддин Кубронинг ити тафсилоти очилади:  
*“...Машҳур эди суфийлар ичида Нажмиддиннинг ити.*  
*Охири ит келиб сафга турди.*  
*Ғалати ит эди Нажмиддиннинг ити. Ёв оёқлари-га ёпиша кетди.*  
*Нажмиддиннинг ити. Отлар бўғзига ёпиша кетди. Ит ва одам жангини ўшанда кўрди мўғуллар. Ит ва одам жангига тан берди ўшанда мўғуллар. Кеч-га томон кўринмай кетди Нажмиддин ҳам, Ит ҳам қуюн ва чопилган таналар ичида. Мўғул туғин ерга санганча алоҳол қулади*

*Нажмиддин.*  
*Ёв туғи қулади.*  
*Ўнлаб мўғул ўз туғин ололмади ўлган Нажмиддиннинг қўлидан.*  
*Сўнг чолиб, қиймалаб олдилар туғларини...”*

Мансура соҳиби энди аввалги сўзининг шарҳи-га қайтади:

*“...Мен Нажмиддиннинг ити эдим ўшанда. Юзлаб найзалар санчиди кўксимга. Лек мўғул кекиртаги жағимда қолди.*

# ИЖОД ВА ШАХСИЯТ

## Иброҳим Ғафуровнинг ижод олами



**Иброҳим Ғафуров шеърятнинг олими, илмнинг шоиридир. Биз ёшлиқдан у кишининг китобларини севиб ўқир эканмиз, ҳар бир асарини шоирона қалб билан ёзганини англаб эдик. Биз “Адабий танқид” деб ўрганган йўналиш у кишининг қаламида шеърини табиат касб этади. “Гўзалликнинг олмос қирралари”, “Жозиба”, “Ёнар сўз”, “Ям-яшил дарахт”, “Прозанинг шоири”, “Лириканинг юраги” каби китоблари, ҳатто китобларнинг номи ҳам бу сўзга далил бўлса керак.**

*Тун кирди, мурдор таналар ичидан эгамни топдим.*

*Ётарди у тепадай бўлиб Енгилмаган мард.*  
*Ҳамма, ғайриқадим эгамнинг яраларини.*

*Сўнг аста ёнига чўзилдим. Бошимни қўйдим эгам кўксига.*

*Фароғат чулғади танамни. Эриб кетгандай бўлдим ва нафас тарк этди кўксимни...”*

Мансура соҳиби олис тарихни эслайди:

*“Етти юзу етмиш йил ўтди ўшандан бери. Қийин дамда Нажмиддинни эслайман. Ҳеч йўқса, унинг итидай бўлгим келади...”*

Мансура муаллифга эркин ёйма сўз имконини беради ва мансура соҳиби олис тарихлар қатидан бугунги кунга қайтади:

*“1986 йилнинг жазирами ёзида Кўҳна Урганчга бордим. Суфий бобомни эсладим. Хароб кўҳна мазоратларда менга бир ит эргашиб юрди.*

*Мултайиб содиқ ниғоҳ билан тикиларди менга. Унинг кўзига тикилиб олис мозийни кўрдим. Ҳар биримизда олис мозий яшайди...”*

Биз ҳам узоқ кечмишдан ҳозирги замонга — энди ўтмишга айланган мустанлақа замонига қайтамыз, биз ҳам энди сокин ва ичида асов ғалаёни яширган сокин тафсилотдан ёрқин хулосага қайтамыз:

*“Шарпалар мазорин тарк этдим маҳзун. Ит қолди қадим мазор халқасида. Садо келди минор тубидан:*

*— Болам, сен нега ярадинг? Нега яралдинг?...”*

“Нега ярадик? Нега яралдинг?” деган савол энди кўксимизда виждонни уйғотади.

Туркий-ўзбек халқи қайси даврда қайси босқинчига қарши курашган бўлса, мансура соҳиби Иброҳим Ғафуров ўша лашкар сафидаги бедор жангчидир...

\*\*\*

Иброҳим Ғафуровнинг таржимонлик фаолиятини кузатсангиз, тўрт девор орасидан чимқай ижод қиладиган адиб кўз олдингизда гавдаланади: Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, “Телба” (“Девона” дейилса мақбулроқимкин), “Қиморбоз”, Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол”, Чингиз Айтматовнинг “Қўёмат”, “Чингизхоннинг оқ булут”, улуг турк шоири ва адиби Нозим Ҳикматнинг “Суур” асарлари таржимаси мутаржимдан фидоликни талаб қиладди. Ҳолбуки, Достоевский асарларини ўғирганда муаллиф ва қаҳрамонларнинг “девоналиги”, “жинилиги”дан мутаржимга нўқмай иложи бўлмаса керак.

Иброҳим Ғафуров ўз ижодида миллий озодлик гоёси билан яшаган шахслар фаолиятига эътибор қаратади. Жумладан, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Авлоний, Тавалло, Мунаввар Қори, Алихонтўра Соғуний гоёларини шарҳлашга имкон топади. Масалан, муаллиф ёзади: “**Эрк ва маърифат тараққий этиб борса, ҳуррият шудир...** Ҳамза хурриятни шундай тушунарди ва шундай хуррият учун хизмат қиларди. ...Ҳамза ўн бешинчи (1915) йиллардаёқ хуррият гоёсига эътиқод қўйган. **Унинг 1915-1917 йилларда яратган “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” китоби бугун ҳам хуррият дарслиги бўла олади. ...Ҳамзанинг хуррияти, ҳа, айнан Ҳамзанинг хуррияти халқни уйғотишда намоён бўлади**”. Муаллиф фикрича, Ҳамзанинг хуррияти унинг жуда кескин танқидий ачинишларида кўринади:

*Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон,*  
*Истиқболин ушотган, офиятсиз Туркистон,*

*Ўз жисмига ўқ отган ҳамиятсиз Туркистон,*  
*Зиллат лойига ботган, эй ғайратсиз Туркистон!..*

Ҳамза Ҳакимзода — ўзбек адабиётида етарли даражада очилмаган кўриқ! Хусусан, унинг 1918 йилги Туркистон мухториятини муборақбод қилиб “*Яшасин Туркистон мухторияти!*” деб ёзган шеъри асрлар бўйи яшашга ҳақли фахриядир. Унинг мактаб ўқувчилари учун ёзган “*Ё Худо-ё журмати Одам Ато, Биз гўдақларга илм айла ато!*” деб бошланган педагогик рисоалари ҳали ўз қадрини топган эмас. Иброҳим Ғафуровнинг Ҳамза шеърини ва хурриятга эътибор қаратиши бежиз эмасдир. Ҳамза биз билган “инқилобчи” шоир эмас, шўрони мадҳ этиб яшаган ялтоқи маддоҳ ҳам эмас, у Туркистон мухториятини биринчилардан бўлиб табрик этган озодлик кўйчиси, ёш авлод таълим-тарбиятига улкан эътибор қаратган жонқуяр муаллим, мумтоз шеърят аъналарини давом этирган ҳассос ғазалнавис шоирдир. Унинг “*Яша, шўро*” деб машҳур бўлган шеъри ҳам аслида “*Яша, Турон, яша, Турон, Сен яшайдирган замон!*” деган шеър экани бугун зиёли шахсларга маълум. Иброҳим Ғафуров эътирофига сабаб бўлган хислати эса Ҳамзанинг хуррият гоёсидир.

\*\*\*

Иброҳим Ғафуровнинг адабиётни нечоғ севишига, истеъдод аҳлини нечоғ ҳайрат билан қадрлашига бир мисол келтирмақчиман. Ўзбек адабиётида назир йўқ адиб Тоғай Муроднинг асарларини ўқиб, Иброҳим оғамиз шундай адибни етиштириб берган тупроққа, Сурхон воҳасига, ёзувчи туғилиб ўсган масканларга муҳаббат боғлади. Бу муҳаббат у кишини сайру саёҳатга чорлади. У киши Тоғай Муроднинг болалик даврларига — Вахшувор тоғлари, Хўжасоат қишлоғи қир-адирларига сафар қилди... Толстойнинг “Ясная Поляна”сини, Шолоховнинг Кружилин хуторларини бориб кўрган дўстларимизни биламиз. Лекин Тоғай Мурод Вахшуворини кўраман деб борган мунаққид хайратлари бизни хайратга солади.

Иброҳим Ғафуров — ҳар қандай асарнинг туб моҳиятини, шеърятнинг юрагини, шеъринг қалбини, ундаги энг пинҳон ишорат ва гоёларни тушунадиган шахс. У кишига бирор шоирнинг шеърини тушунтириб беришга асло ҳожат йўқ. Устоз машҳур китобига бекорга “Лириканинг юраги” деб ном қўймаган.

Ҳақ таоло бандани кўп мадҳ этишни севмайди. Ҳаёт ғолибона юришлардан иборат эмас. Тақдир синовлари ва башарий саҳву хатолар ҳеч кимни четлаб ўтган эмас. Мафкуравий, сиёсий тазйиқлар остида қолган вақтларда, баъзи шоирлар ижодини баҳолашда, балки, мунаққидларимиз хатолардан холи қолган эмасдилар. Лекин бу ҳол ёш авлод учун маломат манбаи бўлиб эмас, балки ҳақиқат йўлида собитқадам бўлишнинг ибрати бўлиб хизмат қилиши лозим. Оғир мустанлақа даврини кўрмаганлар бу сўзни англашлари осон эмас.

Шўро давридаги кўплаб зиёлиларнинг садоқати мустақиллик давридаги ёш авлодга жиноят бўлиб кўринади. Бу табиий ҳол. Лекин биз бировларнинг айбу нуқсонини билан эмас, балки ўз айбу нуқсонларимиз билан шуғулланганимиз яшироқдир. Тасаввуф арбоблари аятадилар: “*Киши ўз нуқсонини кўрмоғидек ирфон бўлмағай*”.

Шу ўринда бошқа бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳамза Ҳакимзоданинг хуррият гоёлари ҳақидаги ҳукмлари, Туркистон озодлиги ва мухтория-

ти фаолларидан бўлган Мунаввар Қори ҳақидаги жанговар сўзлари, Туркистон қайғуси билан яшаб ўтган Алихонтўра Соғуний ҳақларидаги хулосалари Иброҳим Ғафуровни халқ кўз ўнгида улуг зотларга гоёдош бир шахс сифатида намоён этади.

Бир маҳал ўзаро суҳбатимизда улуг адиб Ойбек ва улуг шоир Эркин Воҳидов ҳақларида гап кетганида Иброҳим оғамиз Эркин Воҳидовнинг ижтимоий фаолият жиҳатидан устун хислатга эга эканини таъкидлаб қолдилар. Чунки Эркин Воҳидов мустанлақанинг сўнгги йилларида, қайта қуриш ва ошқоралик дейилган бир замонда халқ вакили сифатида Ўзбекистон Олий кенгаши Ошқоралик масалалари кўмитаси раҳбари бўлди, мустақиллик даврида ҳам халқ вакили ва Сенат аъзоси сифатида Олий Мажлис идорасида хизмат қилди. Айни вақтда, ижоддан ҳам тўхтагани йўқ. Бу таъкид мен учун улкан дарс ва адибларни баҳолашда эътибор омили бўлиб қолди.

Иброҳим оғамиз ҳақларида ҳам шу гапни айтмоқчиман: у киши умри бўйи нашриётларда, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида хизматда бўлди, “Миллий тикланиш” газетасининг бош муҳаррири, Миллий тикланиш партиясининг раиси, Олий Мажлисда халқ вакили ўлароқ хизматлар қилди. Демокриманки, Иброҳим Ғафуровнинг жамоат арбоби сифатида ҳам узига хос фаолияти бор.

\*\*\*

Иброҳим Ғафуров устозга менинг шахсий миннатдорлик ва эътироф сўзларим ҳам бор. 1984 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси тахририятида хизмат қилиб турган вақтимизда Иброҳим Ғафуров жаҳон тарихида коинотга илк марта парвоз қилган фазогир Юрий Гагарин ҳақида шеър ёзишни таклиф қилдилар. Шеър ёзилди ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1984 йил баҳорги сонларида берида чоп этилди. Шеърда фазогир баҳонасида бирмунча ижтимоий сўзлар айтилган бўлди...

1987 йилда камина “Дилдошлик” деган мақоламин эдим. Унда муҳим ижтимоий масалалар кўтарилган, шўро давридаги луғатларимиз кескин танқид қилинган, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи янги даврда биринчи марта эслатилган эди. Сарлавҳаси бошқа эди, бу сарлавҳани Иброҳим оғамиз қўйдилар. У маҳал Одил Ёқубов Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимига ўтгани сабабли “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг бошқаруви бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Ғафуров қўлида эди. Устоз халқимиз манфаати йўлида бу мавқедадан унумли фойдаландилар. Ниҳоят, “Дилдошлик” мақоласи 1988 йил, 22 январь, жума, 4 (2952)-сониди, 4-5-бетларида — ўртадаги икки саҳифанинг остки ярмига joyлаштирилган ҳолда чоп этилди. Бу мақола бугунги кунда тарихнавис тадқиқотчилар қаламида, хусусан, Олимжон Тошбоев талқинларида ўзбек зиёлилари ҳақида янги кўтарилиш даврини бошлаб берган мақола сифатида эсланмоқда. Ҳолбуки, бу битик Иброҳим Ғафуров жасорати тўғрисида дунё юзини кўрган эди.

Тахриратлар фаолиятида “мақола уюштириш” деган ибора бор. Бирор тарихий сана, бирор ижтимоий нишонлов кунларида муносиб кишилар номидан мақола ташкил этилади. Бир гал Халқаро болалар кунини сабаби билан Иброҳим Ғафуров мени болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ҳузурига юбордилар. У кишининг номидан қисқа ва яхши мақола “уюштириб” келдим. Мени хайратга солган ҳолат шуки, Қуддус Муҳаммадий суҳбат асносида бахшиёна жўшиш билан жўшиб шеър айтиб қолар эди. Кейин Қуддус довланинг ўз сўзидан билдимки, раҳматли Ҳамид Олимжон Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида ХХ-асрнинг 40-йилларида халқ оғзаки ижодини ёзиб олиш сабаби билан баъзи шоирларни урушдан (иккинчи жаҳон урушидан) махсус рухсатнома (брон) билан олиб қолиб, бахши шоирлар ҳузурига юборар экан. Қуддус Муҳаммадий ўшанда Ислом шоиринг котиби бўлиб ижмат қилган экан. Бахшиёна жўшишлари шундан экан... Бу қизиқ маълумотдан хабардор бўлганим учун Иброҳим оғага миннатдорлик билдирган эдим.

Иброҳим Ғафуров “Миллий тикланиш” газет

# ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЖЎРАСИ

## Ҳофиз Жўрабек Муродов потретига чизгилар

Унинг дилрабо кўшиқларини ўзбекистонлик ҳамда тожикистонлик мухлислар олтиш йилдан зиёд давр мобайнида мароқ билан тинглаб келмоқда. Уни халқимиз севади, концертларига, ҳикматомуз суҳбатларига интиқлик билан ошиқади. Бир сўз билан айтганда, бу ҳофиз ўзбекларнинг жўраси Жўрабек Муродовдир.

Санъаткор форс-тожик мумтоз ва замон шоирларининг шеърү фазалари ажайиб услубу, гўзал овозда талқин қилиб келмоқда. 1942 йил тоғли Куруд қишлоғида дунёга келган бу ҳофизнинг тароналари Курраи заминнинг турли гўшаларида янграган.

У Алишер Навоий(Фоний)нинг:

**Нигори турку тожикам  
кунад сад хона вайрона,  
Бад-он мижғони тожиконаю  
чашмони туркона –**

матласи билан бошланадиган фазалига шундай бир жозибали куй басталадики, бу кўшиқ эллик йилдан буён санъат шайдоларига завқ бағишлаб келмоқда. Шароф Рашидовнинг куйидаги мисралари билан янграган кўшиқ нақадар жозибатор:

**Оламда гуллар яшар,  
Боғларга жамол бўлиб,  
Гулзорларга ярашар,  
Улар ҳусни хол бўлиб.  
Лола гулларнинг шоҳи,  
Кийгани қирмиз шоҳи.  
Чамандаги атиргул,  
Лола қизнинг ҳамроҳи.**

Жўрабек Муродов ижросидаги “Ўзга юртда шоҳ бўлгандан...”, “Икки тилли бир халқ васфига”, шунингдек, “Феруз”, “Отмагай тонг”, “Фарғона тонг отгунча”, “Сен бор учун”, “Зебо санамлар”, “Ўзиндан кўр”, “Бозургоний” каби ўзбекча йигирмага яқин тароналарни ким севиб эшитмайди дейсиз.

Севимли санъаткор Жўрабек Муродов шу кунларда таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш арафасида. Бугун у ижро этган кўшиқлар, басталаган мусиқалар ҳақида эмас, балки унинг

инсоний фазилатлари, одамиилиги, санъаткорларда кам учрайдиган шогирд-парварлиги, тантилиги хусусида бироз тўхталиб ўтишни лозим топдик.

...Ўтган йили у “Севимли” телеканалнинг “Эслаб, эслаб...” дастурида меҳмон бўлганида студияда юртимизнинг бир неча атоқли санъаткорлари йиғилди. Жўрабек ака ҳар бир санъаткор билан кўл бериб кўришиб, фарзандларининг исмини айтиб, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаевга келганида: “Менинг адашим Жўрабекжон қалай?” деб сўради. Ўзбекистон Қахрамони Муножот Йўлчиева шарафига залдагилардан қарсақ чалишларини сўради. Муножотхон эса, ўтмишни эслаб шундай дейди: “1981 йили биз Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари Душанбеда учрашган эдик. Ҳам Тожикистон, ҳам собик Иттифоқ артисти, Давлат мукофоти лауреати бўлган бу инсон саломимизга беэтибор бўлса керак, деб ўйладик. Аксинча, у саҳна ортига ўтиб ҳар биримиз билан эҳтиром ила саломлашиб, “Уш келибсизлар, биздан нима хизмат?” деб сўради. Мана, орадан йиллар ўтди, аммо Жўрабек ака ўша, ўша... камтар, хокисор, кўнгли очик”. Машхур доирачи Дилмурод Исмолов эса “Жўрабек акадаги саҳна маданиятини ҳар кимда ҳам кўрмайсиз”, дейди.

1993 йили Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги нишонланди. Жўрабек Муродов 31 август кунини Мустақиллик майдонидаги байрам танталарида қатнашиб, Румийнинг “Ийд омад” (“Байрам келди”) фазали билан айтилган таронани куйлаб ўзбек халқини табрикларди. Эртаси кунини ҳофизини Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳокимлиги туман миқёсидаги тадбирга таклиф қилди.



Эрталаб Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов билан Оққўрғонга йўл олдики. Туман маданият ва истироҳат боғида катта шодиёналар билан кутиб олишди: “Мен жўра бўлиб, байрамингизга амирини ҳам олиб келдим”, деди Амир Темур ролини ижро этган Теша Мўминовга ишора қилиб. Тадбир ташкилотчилари ундан: “Нечта кўшиқ айтасиз”, деб сўраганида: “Санъаткор учун хуррият, озодлик бошқалардан ҳам кўра керакли, азизроқ ва буюк неъмат. Мен бугун халқингиз қанча хоҳласа, шунча кўшиқ айтман”, деб дўстлик мадҳиясига айланган “Тожикистон ўғлидурман, ўзбегим гуфто писар” кўшигини ижро этди. Тадбир сўнгида элнинг ҳурмати, олқишларини кўриб: “Қадри оққўрғонликлар, мен бу туманни номини Оққўрғонликлар деб қабул қилсам майлими?” деб мурожаат қилди.

1986 йилнинг декабрь ойида Тошкентнинг “Баҳор” концерт залида Ўзбекистон халқ артисти Қахрамон Дадаев таваллудининг 50 йиллигига бағишлаб тадбир ўтаётганди. Табриклаш навбати Тожикистон вакилларига келди. Жўрабек ака Халқ артисти Малика Қаландарова ҳамда доирачи Аъло Аълов билан саҳнага чиқишди. Қахрамон акага: “Одамлар йиллар давомида қахрамон бўлолмаган. Меҳрибон онангиз сизни саҳна Қахрамони қилиб дунёга келтирганлар. Ота-онангизга раҳмат!” деб уни бағрига босди. Фуркат пойлаб у кишига яқин келиб ўзимни таништирдим. “Газетангиз ходимлари, Шавкат ака (бош муҳаррир Ш.Нисёзовни назарда тутиб), жўрамик Жонибек яхшимилар?” деб сўради. “Уларнинг ҳолини билмоқчи бўлсангиз, редакцияга ташриф буюрсангиз” деб телефон рақамларини ёзиб бердим. “Вақтимиз оз, аммо аэропортга кетишдан олдин, соат ўн бирда бораман”, деди. Эртаси кунини айтган вақтларида редакциядаги ички телефон жиринглади. Овозларини эшитиб, ишонмадим, нахотки... Ваъдага вафо қилиб, вақтида ҳозир бўлиш нақадар ажайиб фазилат! Афсуски, бу фазилатни ҳаммада ҳам кузатмайсиз.

Жўрабек аканинг курсдоши, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони таржимони, истеъдодли шоир Жонибек Қувноқ бу оламни 49 ёшида тарк этди. Жўрабек Муродов бу оиланинг ҳолидан хабар олиб турарди. Ҳамон эсимда, Ўзбекистон радиосига келган пайти ўғиллари тўйида хизмат қилиб бериш ниятида юрганини айтиб қолди. Тўй санаси аниқ бўлди. Жўрабек акага эрталаб телефон қилинди. “Мирзо Турсунзоданинг таваллуд кунини нишонлаш маросимида Хисор туманидаман. Аммо ҳаракат қилиб бораман”, деб ваъда берди. Тўй бошлангач арафасида унга яна кўнгирак қилдик. Хужанд аэропортига келганини айт-

## САҲНАГА БАХШИДА УМР

Телевидениемизнинг “Севимли” каналида берилдиган “Эслаб, эслаб...” кўрсатувини мароқ билан томоша қиламан. Эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган машхур санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди, узок йиллар давомида саҳнада кечган умри, эришган ютуқлари, мухлисларнинг уларга бўлган самимий муҳаббатини кўриб, ҳар бир одам ўзининг ҳаёт йўлига назар ташлаши аниқ. Чунки бундай мартабага Оллоҳ берган истеъдод билан бирга, заҳматли меҳнат, изланиш, устозлар йўлини давом эттириш, юксак одоб-ахлоқ, зеҳний комиллик, намунали турмуш тарзи орқали эришилади.

Шундай устозлардан бири машхур кўшиқчи, ери ерига, суви сувига, боғи боғига туташ икки элнинг азизи ва мукаррам фарзанди Жўрабек Муродов десам, янглишмаган, ҳофизнинг минг-минг мухлислари, саноксиз шогирдлари қалбидаги фикрни рўй-рост айтган бўламан. “Эслаб, эслаб...” кўрсатувининг бир эмас, икки сонида телетомошабинлар кўз ўнгидан дўстлик, вафо ва садоқат, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик туйғуларига тўла гўзал бир умр бор латофати, беқиёс жозибаси билан намоён бўлди. Назаримда, бу кўрсатув санъаткорлар ўртасидаги меҳр-муруват ҳақидагина эмас, ўзбек ва тожик халқларининг, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг дўстлиги тўғрисида бўлди. Куй куйга, кўшиқ кўшиққа, хотира хотирага уланди. Тарихий илдизларимизнинг бирли-

ги, томирларимиздаги муштараклик ҳақида, бу улғу меросни асраб-авайлашимиз зарурлиги хусусида бонг бўлиб янгради. Кўрсатувда иштирок этган таниқли санъаткорлар ва бошқа касб эгаларининг мароқли ҳикояларидан аён бўлдики, юртимизда Жўрабек Муродовни билмайдиган, кўшиқларини тингламаган, концертларида жўровозлик қилмаган санъаткорнинг ўзи йўқ экан, чоғи. Бу ҳам майли, саксон ёшни қаршилаётган Жўрабек бобо ўзбек санъаткорларининг кекса авлодини ўзининг устози, бугунги машхур санъаткорларни яқин дўсти, қадрдони, суҳбатдоши, ҳамфиқри сифатида билар экан. Зеро, гап Фарғона водийсидан очиладики, у ердан воҳога ўтадим, Самарқанд ва Бухорога кўчадими, ҳамма жойда Жўрабек Муродовнинг излари бор, бегубор кўшиқлари, юксак инсоний фазилатлари, саҳна одоби ва маданияти ҳамон акс-садо бериб туради.

Жўрабек Муродов дунё кезган, бошидан ҳаётнинг не-не синовларини ўтказган ва ҳамма жойда меҳр-муруватга сазовор бўлган инсон. У ҳофизлик маданияти билан ҳаммиша ва ҳамма жойда – катта саҳнада, минг-минг мухлис тўпланган стадионларда, пахтакорлар даласида, маҳалладошлар, дўстлар даврасида тингловчининг ҳурматини жойига қўйди, эл-юртга, меҳнаткаш, фидойи инсонларга хизмат қилишни ҳофизлик бурчи деб билди. Мухлислар унинг бениҳоя камтарлиги, юк-

ди. Тўй бошланди, аммо ундан дарак йўқ. Умидимизни уздик. Кеч соат тўққизларда Жўрабек ака тўйхонага кириб келди. Унинг овозини эшитган кўни-кўшилар кўпқаватли уйлардан пастга тушишди. Ажайиб базм бошланди. Тўй якунида ҳофиз кўвнинг онаси Кимё орани бир четга чақириб, тушган пулларнинг ҳаммасини тўёна қилди ва эзгу ниятлар билдирди.

Жўрабек Муродов ва ўзбек шоири Нормурод Нарзуллаев бир-бирига “Хеш” деб мурожаат қиларди. Ижодий ҳамкорликлари алоҳида мавзу. 2004 йилнинг октябрь ойи. Тошкент шаҳридаги “Ёнғоқ” маҳалласи. Санъат ва адабиётнинг дўсти Мурод Мақсудов отасининг юз йиллиги муносабати дўстларни жамлаб, зиёфат берди. Жўрабек ака ҳофизлик, Нормурод ака шеъронлик қиларди, яъни шеърү тарона “бахшларди”. Тадбир охирида Мурод ака халқ шоирига бухороча чопон кийдирмоқчи бўлди. Жўрабек ака чопон кийдириш “миссия”сини ўз зиммасига олди ва шоирга “Нормурод ака, хешам, сиз ҳаммиша гапга чопон кийгизиб келасиз, келинг, мен сизга чопон кийдирсам!” деди. Ҳамма Жўрабек аканинг лутфидан, Нормурод акага кўрсатган ҳурматидан завқланди.

Жўрабек Муродов ҳар сафар Тошкент азимга келганида, албатта, устози Фахриддин Умаров, Берта Давидова, Ҳалима Носирова ёки адиба ва таржимон Кибриё Қаҳҳорова билан учрашмасдан кетмасди. Бугунги кунда у санъаткорлар Шерали Жўраев, Абдуқошим Исмоилов, Хайрулла Лутфуллаев, Фуломжон Ёқубов, Аҳмаддон Дадаев, бастакорлар Муҳаммад Бафров, Жура Шуқуров ва бошқалар даврасида меҳр-муҳаббат, дўстлик, устоз-шогирд аънавалари хусусида сўз юритади ва бошқаларнинг сўзларини самимий қабул қилади. У ҳаммиша ўзбекларнинг азиз меҳмони бўлади! Инсонлар орасида одамииликни, меҳр уруғини экиш Жўрабек Муродовнинг маслағига айланганига ҳам олтиш йилдан ошибди. У ҳамон саҳналарга фойз киритиб, мухлисларни мамнун қилиб келмоқда. Барча концерт дастурлари, учрашувлар, гурунларини ҳофиз Шайх Саъдийнинг куйидаги байти билан бошлайди:

**Дони, ки зи одами чи менаду бас,  
Меҳр асту муҳаббат асту  
боқи ҳамма ҳеж!**

Яъни: “Билгилки, одамииликдан фақат меҳр қолур, муҳаббат қолур, қолгани барчаси бекор!” Шу каби ҳикматли, китобий сўзлар, руҳафзо ва дилрабо кўшиқлар унинг одамиилик ноталари ҳисобланади. Устоз санъаткордан дўстлик, тинчликни тараннум этгувчи, инсонпарварлик руҳидаги тароналарни кутиб қоламиз. Умри зиёда бўлсин!

**Шоҳаҳор САЛИМОВ**

сак инсоний фазилатлари учун ҳам севиб қолдилар. У юксак муваффақиятларга эришганида ҳам кибор, манманлик кўчасига кирмади, самимий феъл-атвориға доғ туширмади.

Бу хусусиятлар Жўрабек Муродовнинг қонига ёшлигидан оиладаги соғлом маънавий муҳит, Боймуҳаммад Нисёзов, Бобоқул Файзуллаев, Аҳмад Бобоқулов, Маъруфхўжа Баҳодиров, Фахриддин Умаров каби устозларнинг йўл-йўриқлари босиб сингган. Мирзо Турсунзода ёш Жўрабекка шахсан ўзи оқ фотиҳа берган. Давра суҳбатларида Жўрабек Муродов бу тўғрида гапирар экан, ёш санъаткорларга саҳнани ҳаммиша муқаддас деб билишни, устозлар одоби ва маданиятига ҳаммиша амал қилишни, юлдузлик касалига чалинмаслиқни уқдиради. Бир суҳбатда шундай деганларини эслаб қолганман: “Мен маърифатли, китобхон оилада дунёга келганман, отам, онам ва ака, опаларим одоб-ахлоқли бўлишни, кўп китоб ўқишни доимо талаб қилардилар. Шу босиб, қаерда маърифий жиҳатдан бой инсонларни кўрсам, уларга яқинлашаман, дўст тутинман, юрагимга яқин оламан. Ўзбекистонда бундай дўстларим кўп ва улар билан бирга-бирга элимизга хизмат қилаётганимдан фахрланаман”.

Улуғ устознинг кўшиқларини ёшлигимдан тинглаб келаман. Ҳофизнинг сеҳрли овозидан баҳра оламан. Умрлар узоқ бўлсин, янги-янги хонишлари билан биз мухлисларни яна кўп йиллар хурсанд қилиб юрсинлар.

**Ҳайтали НЕЪМАТОВ**

**КҮТЛАЙМИЗ**

## АРМОНИ ЙЎҚ АКТЁР



Одатда, санъат йўлини танлаган актёр ёки актриса ўзининг табиатиға, суратию сийратига мос ролини топиб, уни маромиға етказиб ижро эта олсагина, томошабин қалбидан жой олади. Дарҳақиқат, “Алишер Навоий”, “Отелло”, “Шоҳ Эдип” ёки “Ревизор”, “Келинлар кўзғалони”, “Чимилдиқ”, “Шайтанат”, “Шум бола” каби спектаклларнинг номини эшитганингиздаёқ Раззоқ Ҳамроев, Шуқур Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Наби Раҳимов, Зайнаб Садриева, Дилбар Икромов, Ёдгор Саъдиев, Абдураим Абдуваҳобов каби санъаткорлар кўз олдингизга келади.

Худди шунингдек, бундан 31 йил аввал саҳналаштирилган “Бобур” видеофильмида Бобур ролини маҳорат билан ижро этган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовнинг номи ҳам, гарчи бошқа эсда қоларли роллари кўп бўлса-да, санъатсеварлар қалбидан мустаҳкам жой олди. Шу ўринда бонхир режиссёр, атоқли санъаткор Мақсуд Юнусовнинг номини эсламасдан илож йўқ, зеро, у буюк инсон образи учун актёр танлашда адашмаган эди...

Асли Фарғонанинг Яйпанидан бўлган М.Абдуқундузовнинг болалиги оддий ишчи оиласида кечди. Ота-она орзуси ўғлини ўқитувчи макомида кўриш бўлган. Шу сабаб унга ўқитувчиларни тайёрлайдиган институтга киришни таъкидлаб, шаҳарга жўнатилади. Лекин мактаб давридаёқ турли тўғаракларга қатнашиб, Абдулла Набиевдан мактовлар эшитиб юрган Муҳаммадали аниқ фанлардан кўра ижтимоий фанларга, хусусан адабиётга, санъатга кўпроқ қизиқарди.

Институтни тугатгач, Термиздаги Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрида ишлашиға тўғри келди. Аммо яхши актёр учун қайси театрга ишлаш муҳим эмаслигини у шу ерда исботлади. Ўзига топширилган ролларни иштиёқ билан ижро этди. “Қорақум фожеаси”, “Ўн саккиз ёшлигим” спектаклларида муваффақиятли қатнашди. Айниқса, “Уфқ” трилогиясидаги Икром роли мухлислар эътиборига тушиб, талабларга биноан қайта-қайта намоиш этилди. Ҳатто нуфузли танловда “Энг яхши эркак роли учун” номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Ҳозирги кунда устоз режиссёр Мансур Равшанов билан ишлаш жараёнида актёрлик маҳорати янада ошди. Пойтахтда ўтказилган катта тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов билан бирга роль ижро этди. Шундан сўнг, 1986 йили Ҳамза номидаги ўзбек драма театрида иш бошлади. Бу даргоҳда Зи-

кир Муҳаммаджонов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Саъдихон Табибуллаев, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимовалар билан ишлаш насиб этганини актёр бугун фахр билан эслади. Бу даргоҳда ўтган қирқ йилга яқин давр актёр ҳаётининг энг муваффақиятли, шуқулли дамлари бўлди.

Тўғри, ҳаётда ҳеч бир ютуқ осонликча қўлга киритилмайди. М.Абдуқундузов ўтган давр мобайнида тинимсиз изланди, мутолаадан эринмади. Китоб ўқишни одат қилгани босиб, ижро этган роллари ҳаммиша жозибали, қизиқарли чиқди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Отабек, Ҳамза, Муса Жалил, Амир Умархон... Бу образларнинг ҳар бирида ички дард, мураккаб давр ҳақсизликларини сабр-бардош, матонат билан енгиб ўтишга интилиш кучли. Бу жиҳатларни томошабинга етказиб бериш учун эса шу қахрамонлар даражасида илму урфонга, куч-қудратга, салобатга эга бўлиш керак. Буни адабиётшунос олим Озод Шарафидинов ҳам эътироф этганди: “Муҳаммадалида шундай залворли ролларни ижро этиш учун ички мойиллик бор”. Боз устига, актёрда ўзига хос чидам, сабр-тоқат, матонат ҳам етарли. Акс ҳолда, Бобур ролини ижро этиши учун режиссёрнинг тавсияси билан бир ойда ўн килограммгача озиш, бунинг учун қатъий парҳез қилиш мумкин бўлмасди. Шу ўринда тарихшунос олим У.Эрскининг Мирзо Бобур ҳақидаги холис, самимий фикрларини келтирмоқчимиз: “Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улғу шоҳга муносиб бўлган фазилатлардан таркиб топган. Кечирган ҳаёти, жангу жадаллар ва сарғу-заштлар борасида эса авлодларидан ҳеч бири унинг тақдирини тақроқлай олмади!” Актёримиз айтиб ўтилган фазилатларни зиёдаси билан талқин этгани айни ҳақиқат.

Таъбир жоиз бўлса, М.Абдуқундузов талқинидаги Бобур образи у ижро этган бошқа барча образларнинг сараси, дурдонаси, “шоҳ роли” бўлди, дейиш мумкин. Актёр билан видеофильмда бирга роль ўйнаган устоз санъаткор Толиб Каримов ҳам “Муҳаммадали яхши ижодкор. Энг аъло роли Бобур образидир”, дея эътироф этганди.

Одатда санъаткорлар билан суҳбатлашганда, “Сиз ўйнолмаган роллар борми? Қандай армонларингиз бор?” деб сўрашарди. Интервьюларидан бирида М.Абдуқундузов “Мен армони йўқ актёрман”, деб жавоб берганди.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон, аввало оиласи, севган касбидан кўнгли тўлса, жуда катта бахт. Муҳаммадали аканинг икки ўғил, бир қизи бор. Ўғилларининг бошқа йўналишдаги иқтидорлари эътироф этилган бўлса ҳам санъат йўлини танлаб, отаси изидан боришаётгани, ҳатто катта набираси Шоҳруҳмирзо уч тилни яхшигина билса-да, санъатни танлагани ҳар қандай отага фахр бағишлаши, шубҳасиз. “Алвидо, болалик” фильмида ўғли билан бирга ота-бола ролини ижро этганлари ҳақида қувониб сўзлашларида ҳам ҳикмат бордек!

Айни пайтда санъаткор ижод қилишда давом этмоқда. Ҳамкасбларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Валижон Умаров таъкидлаганидек, “Актёр ҳали ўз ролини ўйнагани йўқ”. Демак, М.Абдуқундузовдан яна янги образлар кутиб қоламиз...

**Сайёра РИХСИЕВА**



# Пўлат Мўмин таваллудинини 100 йиллиги

**Дадам ишдан келсалар  
Тўлиб кетар уйимиз.  
Кўкка етгудек бўлар  
Хурсандликдан бўйимиз.**

Ушбу сатрларда балқиб турган ажиб қувонч беихтиёр болажонлар қалбига кўчади, уни илиқ хисларга тўлдирди. Бу шеър мени учар гилам каби болалик оламига етаклайди. Бу ҳол биз тенгиларнинг барчасига хос бўлса, ажаб эмас. Ярим аср аввал мактаб дарслиқларига киритилган бу сингари шеърлар остида "Пўлат Мўмин" деган исми чўғдай ёниб турарди. Биз Зафар Диёр, Илём Муслим, Қуддус Мухаммадий, Қудрат Ҳикмат каби болалар адаблари қаторида Пўлат Мўминнинг кўплаб шеър-этракларини ўқиб улғайдик. Пўлат Мўмин ижодида содда ва самимий, болалар тили ва дилига яқин шеърлар кўп бўларди.

Ҳа, шоир болалар тилини топиб ёзарди. Худди болаларнинг кундалик ҳаёти, узаро мулоқот-муносабат-

лари, ўйинлари, шўхликлари, ота-она, устозларнинг сабоқлари — барчасини кўриб-билиб турган ва уни бизга ёзиб тутқазган. Шу боис уларни ўқувчи осон ва раво қабул қилиб, тез ёд оларди.

## БОЛА ТИЛИНИ ТОПИБ

**Оппоқ қиш-ей, оппоқ қиш,  
Эҳ, қорлари юмшоқ қиш.**

**Чана, коньки ўйнатган  
Кўвноқ қиш-ей, кўвноқ қиш.**

Ёқимли оҳангдаги бу оддий ва самимий сатрларда совуқ қиш захрини эмас, ёниқ қиш завқини туясиз.

Пўлат Мўминнинг кўп шеърларида илм-хунарга даъват, одоб-ахлоқли бўлишга чақириқ руҳи устун. "Олтмиш олти олтин қўл", кейинчалик "Бир юзу бир олтин қўл" китобларида шоир юздан ортиқ касб-хунарга хос жиҳатларни шоирона таъриф этаркан, улар-

ни севиш ва эгаллашга ундайди. Шунингдек, шоирнинг кўплаб шеърларини "Одобнома" дарслиги дейиш мумкин. Одоб-ахлоқ мавзуси унинг ижодида баралла тараннум этилган.

Пўлат Мўмин болаларга атаб кўплаб қўшиқлар ҳам яратган. Улар ҳаётийлиги, мусиқийлиги, шўх-қувноқ оҳанглари билан ўқувчи ва тингловчини ром этади. "Устозлар" қўшиғи кексаю ёшнинг кўнглидан бирдай жой олгани, шубҳасиз. Ҳажвий шеър-қўшиқлари беғараз ва беозор юмори, енгил киноявий оҳанги билан болаларни беҳад завқлантиради.

Пўлат Мўмин саҳна асарлари, дoston-этракларини ва "Этраклар — яхшиликка етаклар" каби маълум ва машҳур қанотли иборалари билан ҳам болалар адабиётини бойишга сезиларли ҳисса қўшди.



Ўзбекистон халқ шоири, болаларнинг сеvimли адаби Пўлат Мўминнинг серкирра ва бой ижодий мероси бугун ҳам болаларимизнинг маънавий юксалишида ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

**Дилшод РАЖАЕВ,  
филология фанлари номзоди,  
болалар шоири**

## БОЛАЛАРНИНГ РАНГИН ОЛАМИ

Пойтахтимиздаги Икуо Хираяма Халқаро маданият қарвонсаройида "Тошкент қувончлари" тўққизинчи халқаро болалар расмлари биеннаlesi очилди. Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Ташқи ишлар, Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликлари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбир чинакам санъат байрамига айланди. Болалар гуруҳларининг жўшқин рақслари, куй-қўшиқлари тадбирга фойз бағишлади.

Дунё болалари ўртасида дўстликни мустақамлашга хизмат қилаётган ушбу танловда ўн бешга яқин чет мамлакатдан ёш истеъдодлар иштирок этмоқда. Айнисса, Россия, Беларусь, Италия, Таиланд, Франция, Ҳиндистон, Малайзия каби мамлакатлар болаларининг танловга қизиқиши ортиб бормоқда. Шунингдек, қўшни давлатлар — Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Туркменистондан танловга келган болалар расмлари сони анча кўп. Икки мингга яқин асар Тошкент шаҳри, республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан юборилган. Беш юзта расм эса уларнинг чет элдаги тенгдошлари томонидан тақдим этилган. Беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг икки ярим мингга яқин расмлари сарой залларини безаб турибди.

— Бугунги кунда қилинаётган барча ишлар фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажигига хизмат қилиши, шубҳасиз. Тўққизинчи маротаба ўтказилаётган мазкур санъат байрами ҳам ўсиб келаятган ёш авлод тарбияси ва ижодида муҳим ўрин тутди, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нурриддинов. — Бундай танловлар ва фестиваллар орқали турли миллат болалари ўзаро ижодий мулоқотда бўлиб, дўстлашадилар. Болаларнинг ёшлигидан тасвирий санъатга меҳр қўйиши, дунёни ранглар орқали акс эттириши жуда қувонарли. "Тошкент қувончлари" истеъдодларини кашф этишимизга ёрдам беради.

Экспозициядан ўрин олган табиат манзаралари, болалик қувончи ва оилага меҳр уфтуруб турган ажойиб композицияларда болаларнинг беғубор дунёси аксини кўрасиз. Беларуслик Алексей Гореликнинг "Қушларга меҳр", Карина Белаштенованинг "Қушларга суҳбати", Эмили Болдовскаянинг "Қиш манзараси", ўзбекистонлик Динара Абдурахимованинг "Мен яшаётган дунё", Асал Абдушукурованинг "Болалик дунёси", Озода Умарованинг "Болалик дунёси", Ҳиндистонлик Самикша Ананднинг "Бахтли болалик", Шристи Кумарининг "Менинг орзум" каби ишларида болаликнинг беғубор олами, дунё манзаралари аниқ ва ихчам ифодаланган. Айнисса, Ҳиндистонлик беш ёшли Дия Монганинг "Менинг уйим" деб номланган расми барча манзур бўлди. Албатта, танловга келган икки мингдан зиёд ишларни баҳолаш осон эмас. Ҳайъат аъзолари республикамизнинг энг таниқли расмоларидан таркиб топган.

Танловда иштирок этаётган болалар ишлари уч гуруҳга ажратиб баҳоланади: беш ёшдан етти ёшгача, саккиз ёшдан ўн икки ёшгача, ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача.

Танлов шартига кўра суратлар "Болалик дунёси", "Менинг Ватаним", "Мен яшаётган дунё", "Мен билган Ўзбекистон" каби йўналишларда чизилган. Биеннале голибларини қуйидаги мукофотлар кутиб турибди: битта гран-при, етти та олтин, етти та кумуш, етти та бронза медаллари ва ўттиз дона эсдалик тангалари. Барча иштирокчиларга сертификатлар тақдим этилади. Голиблар бугун, 23 декабрь куни Марказий кўргазмалар залида тақдирланади.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, уюшма аъзоси  
**Собир ЎНАР**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Бадий академияси жамоаси "Санъат" журнални бош муҳаррири Дилафруз Қодировга онаси  
**МАЛОҲАТ** аянини вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

### Пўлат МЎМИН

#### ОППОҚ ҚИШ-ЭЙ...

Оппоқ қиш-эй, оппоқ қиш,  
Эҳ, қорлари юмшоқ қиш.  
Чана, коньки ўйнатган  
Кўвноқ қиш-эй, кўвноқ қиш.  
Дам олмоқда далалар,  
Кенг водийлар, даралар,  
Фасл гашти атрофга  
Қўшиқ бўлиб таралар.  
Тарновларда сумалак,  
Кўллар ойна — яхмалак.  
Айтинг-айтинг, бўлмасин  
Ҳеч ким йўлда чархпалак.  
Совуқ ҳазиллашарми,  
Юзлар жизиллашарми,  
Гоҳо-гоҳо учраган  
Кўрқоқни излашарми?  
Оппоқ қор сут сингари  
Она ерга сингади.  
Офтоб келиб яқинроқ  
Қиш қаҳрини енгади.  
Оппоқ қиш-эй, оппоқ қиш,  
Тарқоқ қиш-эй, кўрқоқ қиш.

#### ИККИ ҚЎЛИМ

Икки қўлим,  
Икки қўлим,  
Сизда бардам ўн бармоғим.  
Сиз туфайли,  
Қандай шараф,  
Юрт хизматин бажармоғим.

Гул экаман  
Сизлар билан,  
Ўстираман парваришлаб.  
Ҳимматимга,  
Меҳнатимга  
Раҳмат айтар эл олқишлаб.

Бирингиз  
Кўксимга қўйиб,  
Хурматимни кўрсатаман.  
Бирингизини  
Чин юракдан  
Дўстим томон узатаман.

Мен биламан,  
Икки қўлим,

Ёмонликни хушламайсиз.  
Юрак сўзим —  
Илтимосим:  
Асло қурол ушламангиз.

#### ҚАҲРАТОН ҚАҲРАМОНМИ?

Қаҳратон-чи, қаҳратон,  
Эмиш гўё қаҳрамон!  
Қор, музданмиш қуроли  
Эмиш қишнинг қироли.  
Уни кўрган зирилиб,  
Қочар эмиш пирриллаб.  
Агарда қилса ҳамла,  
Таслим бўлармиш ҳамма.  
Барча қочса қаҳридан,  
Эмасдир у қаҳрамон.  
Қаҳрамонлар ҳар доим  
Бўлар камтар мулоим.  
Қиличини,  
Кучини  
Эзгуликка ишлатар,  
Ёмонни ер тилшатар.

Қаҳратон-чи, қаҳратон,  
Эмас асло қаҳрамон!  
Чиниққанлар ҳар қачон  
Уни енгар оп-осон.

#### ҲЕЧВОЙ — КЕЧВОЙ

Бирор жойдан  
Қолмайди ҳеч.  
Лекин доим  
Келади кеч.  
Дастурхонга  
Келар ҳамма:  
Ака-ука,  
Хола, амма...  
У келгунча  
Совир овқат.  
Бошқаларда  
Тугар тоқат.  
Қизиқ бўлди  
Бир кун қаранг,  
Келди шошмай,  
Аланг-жалаң.  
Пиширганга

Раҳматлар деб,  
Томошлади  
Овқатни еб...  
Кечвой-ҳечвой  
Лекин бу гал,  
Роса-роса  
Бўлди ўсал.

#### КЎЧИР- КЎЧИРЛАР

Уйга берилди  
Қийин масала.  
Кимдир керилди:  
Қилсам ҳафсала,  
Бир зумда уни  
Чиқар якуни.  
Ўлтириб уйда,  
Минг хаёл — уйда  
Ўша болакай  
Мулзам ишполмай...  
Эртаси қуни,  
Қаранг-а уни —  
Ўртачи бола,

Бўлса-да чала,  
Келгани ишлаб.  
Дўстлар олқишлаб,  
Олдилар ўраб,  
Олдилар сўраб.  
Бир зум ичида  
Бири кўчирди.  
Шошилиб жуда  
Бари кўчирди.  
Ўша болакай  
Ишонқирамай  
Қарангки, ҳатто  
"Эҳтимол хато",  
Дея чўчирди  
Ўзи учирди.  
Пичир-пичирлар  
Кўчир-кўчирлар,  
Бундайин ҳолат  
Бўлганда одат  
Этар хижолат.  
Кўчир-кўчирлар  
Кимлар чўчирлар?  
Кимлар кўчирар —  
Кўчир-кўчирлар...

## Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Она мадҳи" ижодий ишлар танлови голиблари аниқланди.

### "Энг яхши шеър" йўналиши бўйича:

Биринчи ўрин — Ситора Шомуродова. "Онамга..." (туркум).  
Иккинчи ўрин — Фарангиз Бобоева. "Она мадҳи".  
Учинчи ўрин — Алишер Боймуродов. "Оналар учун" (туркум).  
Рағбатлантирувчи ўрин — Гулҳаё Уролова. "Онамга".

### "Энг яхши ҳикоя" йўналиши бўйича:

Биринчи ўрин — Роҳилабону Ғўчиёва. "Она бўри".  
Иккинчи ўрин — Хуршид Тожиев. "Никоҳ узуги".  
Учинчи ўрин — Жамшид Бўрон (Бердиев). "Абадий ҳаёт".  
Рағбатлантирувчи ўрин — Малика Жумазода. "Сарфагар ва сариштали аёл".

### "Энг яхши эссе" йўналиши бўйича:

Биринчи ўрин — Мадина Норчаева. "Етти кун".  
Иккинчи ўрин — Зарингор Бакирова. "Қўлларимни қуйворма, ҳаёт".  
Учинчи ўрин — Зикрилла Маматов. "Она".  
Рағбатлантирувчи ўрин — Севара Исмоилова. "Сизга жимликларим кўп".

Ўзбекистон Бадий академиясида очилган "Табиат ва рассом" экспозицияси нафақат рассомларнинг йиллик ижодий байрами, балки янги йил совғаси ҳисоботи ҳамдир. Кўргазмадан ўрин олган саксондан ортиқ асарнинг ҳар бирида ўттиз беш нафар муаллифнинг дастхати, унинг она Ватанга, бебаҳо табиат манзараларига

С.Сулаймоновнинг "Бог", Ж.Абдуллаевнинг "Алп тоғлари", "Сурхондарё. Тузкон" сингари асарларида манзараларнинг табиийлиги ва ҳаққонийлиги кўзга ташланади. А.Мир-

бинларни ҳайратда қолдиради. Асарларнинг аксарият қисмида табиат мотивлари асл ҳолатида тасвирланган бўлса, бошқаларида улар декоратив табиатнинг ҳаёлий

## ҚИШ ЁҒДУСИ



М.Сатторов. Салар.Биринчи қор (2021).

меҳр-муҳаббати яққол намоён бўлиб турибди. В.Енининг "Беш хил рангдаги қўл", Ю.Гребенюкнинг "Тоғлардаги баҳорий тон",

соатовнинг "Чимёнда қиш", У.Нигматовнинг "Қиш манзараси", М.Сатторовнинг "Салар. Биринчи қор", Х.Сатторовнинг "Қишлоқда қор", "Қиш ёғдуси" сингари асарларида бу фаслнинг ажойиб таровати акс этган. А.Батиковнинг "Паркентдаги дала ҳовлилар" асарида февралга тағидида болалар тасвири ҳаётбахшлиги билан ажралиб турса, Умид Алимов, Бахтиёр Обидов, Анвар Усмонов ва ҳайкалтарош Людвиг Нестеровичнинг асарлари ўзига хослиги ва кенг миқёсдаги тасавури билан томоша-



С.Сулаймонов. Бог (2022).

композицияларига айланган. Шундай бўлса-да, табиат ижодий гоёларнинг бирламчи манбаси, асосидир. Ушбу кўргазманинг асосий гоёси, биринчи навбатда, табиатнинг гўзаллиги ва уни матоларга муҳрлашда ҳар бир рассомнинг ўрни ва маҳорати ўзига хос эканини намоён этишдир.

## БАЙРАМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТСИН ОГОҲЛИК

Янги йил байрамига санокли кунлар қолди. Албатта, янги йилни турли ўйинчоқлар, чироқлар осилган арчасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ранг-баранг товланаётган арча ўйинчоқлари қайси болани ўзига ром қилмайди, дейсиз. Аммо жуда кўп ҳолларда ана шундай ёниб-ўчадиган арча ўйинчоқлари туфайли ённин содир бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айнани пайтда қиш мавсумида бу талафотнинг қўрсаткичи янада ошади. Чунки қўлбола электр иситкичларидан, газ ускуналаридан фойдаланиш, ённин хавфсизлиги қўдаларига риоя қилмаслик ҳоллари кўп учрайди. Уларнинг ертўла ва чордоқларида тез аланга олувчи моддалар — бензин, керосин, ацетон ва бошқа суюқликларни сақлаш асло мумкин эмас.

Шунингдек, ёниб турган газ ва электр печларини уйда қаровсиз қолдирмаслик ёхуд ёш болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омил-

лардан эканлигини унутмайлик. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча болаларнинг қишки таътилда турли пиротехника воситаларидан фойдаланиши ённинг сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ённин хавфсизлиги қўдаларига риоя қилса, турли офатларнинг олди олинган бўларди. Зеро, халқимиз ўт балосидан асрасин, дея бежиз айтмайди. Янги йилни талафотларсиз кутиб олишни истасангиз, огоҳлик кундалик ширингизга айлансин.

**Элёр МАҲМУДОВ,  
Қарши тумани ИИБ ХРБ  
профилактика инспектори,  
капитан**

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

"Маданият ва санъат менежменти" кафедрасига ўқитувчи (1), катта ўқитувчи (1), "Фольклор ва этнография" кафедрасига ўқитувчи (1), "Миллий қўшиқчилик" кафедрасига ўқитувчи (1), катта ўқитувчи (1), "Эстрада ва оммавий томошалар санъати" кафедрасига ўқитувчи (1), "Овоз режиссёрлиги ва операторлиги маҳорати" кафедрасига ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 "а"-уй. Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11



## Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: [uzas.gzt@mail.ru](mailto:uzas.gzt@mail.ru)

Муассис:  
**ЎЗБЕКISTON**  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:  
**akfa**

Бош муҳаррир ўринбосари  
**Бахтиёр ХАЙДАРОВ**

Тахриратга келган кўғизлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Шўхрат АЗИЗОВ  
Саҳифаловчи: Ингир ТОНШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигидан томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади - 863. Буюртма Г - 1244.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

"Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
**Босмаҳона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси,  
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**  
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X  
41721231614000